БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 219

14 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Халқ судлари сайлови (1-нчи бет).

БЕШИНЧИ БЕШИЙЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ. **И. Сатторов.** — Севган касбда (1-нчи бет).

ХАЛҚ СУДЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЕРГАРЛИК. **И. Сулаймонов, З. Муҳаммеджонов.** — Халқ севган қиз. (2-нчи бет).

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида (2-нчи бет).

М. Шералиев. — Совет суди давлат ва халқ манфаатларининг ҳимоячиси (2-нчи бет).

Узбекистон машинасозларининг Совет Иттифоқи пахтакорларига ёрдами (3-нчи бет).

Пахтачиликни ривожлантиришда янги, прогрессив методларни кенг қўлланайлик! Д. Касимов. — Авиация қишлоқ хўжалиги хизматида (3-нчи бет).

Раҳим Муқимов. — Узбек адабиёти тарихини сохталаштиришга қарши (3-нчи бет).

БКП МК ва Болгария Министрлар советининг бирлашган мажлиси (4-нчи бет).

Жаҳон Касаба союзлари Федерацияси Бош Кенгашининг Европа меҳнаткашларига хитобномаси (4-нчи бет).

ЖКСФ Бош Кенгашининг сессияси (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси (4-нчи бет).

Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайловлари

Шу кунларда областимизда бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Январь ойида район ва шаҳар партия конференциялари ўтади.

Партия ташкилотларининг ҳисобот-сайловлари область партия ташкилоти ҳаётида йирик воқиадир, партиявий- ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларга бамисоли бир кўриндир. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотларининг ҳисобот давридаги иш фаолиятларига якун ясалади, ишдаги мавжуд камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил қилинади, ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар бирма-бир кўрсатиб берилади.

Бу йил ҳисобот-сайлов йиғилишлари халқимизнинг сиёсий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайрати мислсиз ошган, бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш ва Узбекистон ССРнинг яқинлашиб келаётган 30 йиллик юбилейини муносиб совғалар блан нишонлаш учун социалистик мусобақа кенг миқ'ёсда авж олиб кетган бир шароитда ўтаётир. Областимиз саноат корхоналаринининг ишчилари, инженер-техник ходимлари 1954 йилни муваффақиятли якунлаш, давлат планларини ҳамма кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажариш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун кураш олиб бормоқдалар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари даладаги барча ҳосилни побуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш, ҳамма жойда кузги-қишки тадбирларни намунали ўтказиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ишчилар, колхозчи-деҳқонлар ва шонли совет интеллигентларининг илҳомбахш ижодий меҳнати, партия ташкилотларининг раҳбарлигида қўлга киритилган буюк муваффақиятлар та'киллаб кўрсатилмоқда. Шу блан бирга партия ташкилотларининг ишларидаги жиддий камчиликлар танқид ва ўз-ўзини танқид асосида далиллик блан очиб ташланмоқда, раҳбар партия органларининг олигга партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтариш, раҳбарлик иш услубини тинмай такомиллаштириб бориш каби энг муҳим талаблар қўйилмоқда. Коммунистлар кун тартибига қўйилган масалани КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорларидан, пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан яқинда Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатидан келиб чиқаётган улуғвор вазифалар нуқтаи назаридан муҳокама қилмоқдалар. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари партиялилар оммасининг активлиги ғоят ўсганлигини, коммунистларнинг сиёсий савияси, ташкилотчилик қобилияти анча ошганлигини кўрсатмоқда.

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг хисобот-сайлов йиғилиши коммунистларнинг актив иштироки блан танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтди. Коммунистлар партия бюросини, биринчи навбатда унинг секретари ўртоқ Маматовни партиявий-сиёсий ишларни хўжалик ишлари блан маҳкам боғлаб олиб бормаганлиги, колхозда пахта тайёрлаш плани бажарилгандан кейин иш анча бўшашиб кетганлиги, хотиржамликка ва ўринсиз мағрурланишга йўл қўйганлиги учун қаттиқ танқид қилдилар. Ҳисобот доклади-нинг юзаки ва мавжуд камчиликларни тўла кўрсатиб бермайлиган қилиб тузилганлиги, колхозчилар ўртасида олиб борилаётган маданий-оқартув ишлари ҳақида доклада ҳеч нарса дейилмагани уқтириб ўтилди.

Тошкентдаги иккинчи мелькомбинат партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ма'муриятнинг хўжалик фаолияти устидан партия назорати ўрнатилмаганлигини та'киллади. Йиғилиш қатнашчилари комбинатда коммунистларнинг сиёсий ўқиши яхши йўлга қўйилмаганлигини, комбинат директори ўртоқ Ершовнинг бюрократик иш услубини, унинг оммадан ажралиб қолганлигини танқид қилдилар. Тошкент тўқимачилик институтининг партия йиғилишида Фрунзе район партия комитети ва Тошкент шаҳар партия комитетининг ходимлари институтда камдан-кам бўлиб, амалий ишга етарли ёрдам бермаётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўриб ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари камчиликларни дарҳол пайқаб олиб, уни тезда тузатишга, олдимизда турган энг муҳим сиёсий-хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга ёрдам беради, партиялилар оммасининг сиёсий активлигини ва меҳнат соҳасидаги ғайрат-ташаббусини янада оширишга хизмат қилади. Шаҳар ва район партия комитетларининг вазифаси — ҳарбир бошланғич партия ташкилоти учун жиддий сиёсий синов бўлган ҳисобот-сайлов йиғилишларини зўр уюшқоқлик блан, юксак ғоявий савияда ўтказишдан, бу йиғилишларда танқид ва айниқса қуйидан бўладиган танқидни ривожлантириб, кун тартибига қўйилган масалани муҳокама қилишда коммунистларнинг тўлиқ ва актив иштирок этишини та'минлашдан иборат. Броқ, областимизлаги айрим партия ташкилотлари бу масалага ҳали ҳам етарли э'тибор бермаётирлар. Тошкентдаги Марказий, Куйбишев ва Фрунзе районларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистларнинг қарийб 25 — 30 процентга яқини турли сабаблар блан иштирок этмаган. Янгийўл шаҳар бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ишдаги мавжуд камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўла очиб ташланмаётир, расмиятчилик ва тантанабозликка йўл қўйилмоқда, танқид ва ўз-ўзини танқид ривожланмаган.

Ба'зибир район партия комитетлари ҳисобот-сайлов йиғилишларининг пухта тайёргарликсиз, юзаки ва бирёқлама ўтишига, йиғилиш ўтказиш юзасидан белгиланган графикларнинг бузилишига йўл қўймоқдалар. Бўка районидаги Сталин номли ва «XIX партс'езд» колхоз бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари жуда паст савияда ўтказилган. Бекобод районида райпотребсоюз, «Социализм» колхози ва биринчи «Даврзин» совхози бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари тайёргарлик кўрилмаганлиги учун кечиктирилган.

Район ва шаҳар партия комитетлари содир бўлган камчиликларни тезда бартараф қилиб, ҳисобот-сайлов йиғилишларини пухта тайёргарлик ва барча коммунистларнинг актив иштироки блан ўтказишда бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари. Йиғилишларнинг ишчанлик блан юксак савияда ўтишини та'минлашлари керак. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари 1954 хўжалик йили якунланаётган пайтга тўғри келди. Бу— партия ташкилотларининг ишидаги ютуқ ва камчиликлари дарров пайқаб олишга, ташкилотнинг ишига хўжалик йилининг якунига қараб баҳо беришга, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга имкон берали.

Танқид ва ўз-ўзини танқид — кадрларни тўғри тарбиялашнинг, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашнинг, партия, совет, хўжалик ташкилотлари ва барча ташкилотлар ишларидаги камчиликларга қарши курашишнинг синалган воситасидир. Партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида танқид ва қуйидан бўладиган танқидни ҳартомонлама қўллаб-қувватлашлари, тантанабозлик ва лаббазабозликка, ишдаги муваффақиятлар блан хотиржамланишга асло йўл қўймасликлари керак. Партия ташкилотларининг секретарьларига, бюронинг янги составига амалий ишда синалган, софдил, ростгўй, принципиалли, ишчан ва ташкилотчи коммунистларни сайлаш лозим.

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини зўр уюшқоклик блан юксак савияда, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш белгиси остида ўтказайлик!

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 13 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдарьё	0,14	97,10	Ховос	0,22	77,91
Оржоникидзе	0,18	94,03	Оққўрғон	0,18	77,83
Юқоричирчиқ	0,34	93,14	Чиноз	0,18	77,65
Калинин	0,44	93,12	Октябрь	0,20	72,88
Мирзачўл	0,14	92,80	Оҳангарон	0,14	69,53
Верхне-волинск	0,13	92,23	Бекобод	0,18	69,15
Гулистон	0,09	87,42	Паркент	0,19	65,05
Куйичирчиқ	0,19	86,00	Пискент	0,15	64,87
Бўка	0,15	78,84	Уртасарой	0,15	63,28
Янгийўл	0,21	78,32	Уртачирчиқ	0,18	62,95

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 13 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	0,20	106,44	1-нчи «Далварзин»	0,27	79,24
16-нчи совхоз	0,24	96,63	2-нчи «Боёвут»	0,27	78,94
«УзССР бешйиллиги»	0,19	86,00	2-нчи «Далварзин»	0,19	76,16
1-нчи «Боёвут»	0,17	82,45	17-нчи совхоз	0,23	73,01
3-нчи «Боёвут»	0,07	81,04	3-нчи «Далварзин»	0,24	65,03
			4-нчи «Боёвут»	0,40	64,40

Халқ судлари сайлови

12 декабрьда Измайловда ва Ленинские Горида, Красная Пресняда ва Энтузиастлар шоссесида, Москванинг барча районларида халқ судлари сайлови ўтказилди.

Эрта соат олтида сайлов пунктларининг эшиклари москвалилар учун кенг қилиб очиб қўйилди. Москвалилар ўзларининг юксак гражданлик бурчларини бажариш учун бу пунктларга келдилар. Улар халқнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, социалистик давлат қонунларига амал қиладиган кишиларга ўз ишончларини билдириш учун якка-якка ва оила-оила бўлиб сайлов пунктларига келдилар.

Халқ судьяси! Евгения Карповна Михайленко ана шу юксак номга муносиб иш кўрмоқда. 35-нчи сайлов пунктида Е. К. Михайленкога овоз берган Первомайский райони меҳнаткашлари бюллетеньда унинг номини ўқиб хурсанд бўлдилар. Е. К. Михайленко Москвадаги энг кекса судьялардан биридир. У, юстиция органларида ишлай бошлаганига 35 йилдан ортиқ вақт бўлди. У, 15 йил мобайнида Первомайский районида халқ судьяси бўлиб ишлади. Уни энг мураккаб ишларни ҳам ҳал этаоладиган ғоят сезгир ва меҳрибон судья деб биладилар. Архитектор Бениев, ишчи Стасюк, Сталин номли бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясининг ўқучиси полковник Николаев ва бошқа сайловчилар бирин-кетин овоз берадилар.

Пойтахтнинг Бауман районидаги 19-нчи сайлов пунктида ҳам овоз бериш зўр активлик блан ўтди. Буерда Москвада халқ судьялигига кўрсатилган энг ёш кандидат Анатолий Иванович Рубцов овозга қўйилди.

Рубцов равшан ва пок ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ишчининг ўғли Анатолий урушнинг оғир йилларида 15 яшар чоғида станок ёнида ишлайбошлади. У ҳалол ишлаш блан бирга, кечки мактабда, сўнгра эса, юридик институтда ўқиди. Анатолий счёт-аналитик машиналар заводи ишчилари ва хизматчиларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Буерда 80 ёшдаги ўқитучи Ц. Ф. Мюнтер ҳам овоз беради. У неча минглаб йигит ва қизларни тарбиялаб етиштирган. Буерда ёш чертёжчи В. А. Коровин ҳам, кекса ишчи А. И. Коляскина ҳам овоз бераллар.

12 декабрьда Москвада халқ судьялигига кандидат қилиб кўрсатилган 27 ёш юрист биринчи марта овозга қўйилди.

Москвалилар ўз халқ судларини сайлашларини яхши билиб, ғоят баланд руҳ блан овоз бериш учун қизил байроқлар, гулдасталар кўтаришиб келдилар.

Ота-бобоси ишчи бўлиб ўтган Степан Васильевич Жаров 13 кишидан иборат бутун оиласи блан Ленин районидаги 57-нчи сайлов пунктига келди. Унинг катта ва ҳамжиҳат оиласида саккиз сайловчи бор. Уларнинг ҳаммаси овоз бериш учун бирга келдилар.

12 декабрьда металлургларга ва машинасозлар, рассомлар ва ёзучилар, фан арбоблари, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи хотинлар, студент ёшлар дунёда энг демократик давлатимиз туфайли фахрданиб, сайлов пунктларига келдилар. Улар кимларни халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари қилиб кўрсатдилар?

Шчербаков районидаги сайловчилар бюллетеньларда илгариги юк ташучи И. Я. Панин, босмахонада ҳарф теручи К. Г. Агапцев, ўқитучи Е. А. Дубровскаянинг номини, Красная Пресня районида бўёқчи Г. В. Юрковнинг номини, Сталин районида собиқ жангчи, Ватан ҳимоячиси Г. И. Семёнов номини, Куйбишев районида инженер В. Н. Ширенов номини ўқидилар. Пойтахт меҳнаткашлари кўрсатган кандидатлар рўйхатида уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи З. А. Хотулева ва «Советская культура» газетаси редакциясининг ўринбосари К. П. Пиотровскийнинг номлари бор.

Пойтахтда халқ судьялигига 187 кандидат ва халқ маслаҳатчилигига 14 мингдан ортиқ кандидат кўрсатилди. Бу эса, коллегияли орган бўлган совет судининг энг демократик суд эканлигини исбот этучи далилларнинг биридир. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенциясининг энг яхши вакиллари ана шу органда ишлаб, ҳуқуқ тартиблари ва социалистик қонунчиликни қўриқламоқдалар.

Москванинг ҳамма районларида сайловчилар зўр активлик блан овоз бердилар. Туш пайтигача сайлов пунктларининг кўпчилигида сайловчиларнинг 90—98 процента овоз бериб бўлган эди.

* * *

12 декабрьда Россия федерациясидаги шаҳар ва қишлоқларда, Белоруссия, Қозоғистон, Озарбайжон, Литва, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон ва Карел-Фин иттифоқчи республикаларида ҳам халқ судлари сайлови ўтказилди.

Ҳаммаерда сайлов совет кишиларининг бирлигини ва уларнинг Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукумати тевирагига маҳкам жипслашганлигини ёрқин кўрсатган намойишга айланди. (ТАСС).

Мактаб дарсликлари бўйича кенгаш

РСФСР Маориф министрлиги томонидан мактаб дарсликлари бўйича Москвада чақирилган кенгаш 10 декабрьда ўз ишини тамомлади Бу кенгашда РСФСР Педагогика фанлари академиясининг, халқ маорифи бўлимларининг ходимлари, дарсликларнинг авторлари ва мактабларнинг педагоглари қатнашди.

РСФСР Маориф министрининг ўринбосари Л. В. Дубровина дарсликларнинг сифатини яхшилаш талбирлари тўғрисида доклад қилди. У айтдики, кейинги йигирма йил ичида мактаблар учун 2,5 миллиард нусхалан кўпроқ дарслик нашр қилинди. Шу дарсликларнинг кўпчилиги 15 — 20 йил хизмат қилди. Броқ, политехника та'лимига ўтилаётган ҳозирги вақтда янги дарсликлар яратиш зарурияти туғилди. Бу дарсликларнинг илгариги дарсликлардан фарқи шундай бўлиши керакки, улар ўқучиларга фан қонунларини амалий ишда қўлланишда ёрдам бериши лозим.

Кенгаш қатнашчилари РСФСР Маориф министрлигини, РСФСР Педагогика фанлари академиясини, ўқув-педагогика нашриётини янги дарсликлар яратиш ишларини уюштиришга ҳали ҳам суст раҳбарлик қилаётганликлари учун танқид этдилар.

Кенгаш мавжуд дарсликларнинг сифатини яхшилаш ва янги дарсликлар яратиш талбирларини белгилаб берди.

Кенгаш ишида РСФСР маориф министри И. А. Каиров қатнашди. (ТАСС).

БЕШИНЧИ БЕШИЙЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

СЕВГАН КАСБДА

Зейтулла болалигидан турли детальлар ишлашга, бир хил формадаги темир ёки чўян парчасини иккинчи хил формага айлантириб юборишга жуда ишқивоз эди. Кейинчалик, техника соҳасидаги адабиётларни ўқийбошлагач, у токарь бўлишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Шундан сўнг у, «Социалистик ишлабчиқариш новаторлари» серияси чиқарилган брошюраларни кўпроқ ўқийбошлади. Улардаги айрим нарсаларни ўзидан катталардан сўраб ўрганар эди. Унинг кўнглида ортоқлаб юрган орзуси—тезроқ улғайиш-у заводга кириб, токарь бўлиш эди. Ниҳоят унинг орзуси амалга ошди. Зейтулла заводга ишга кирди. Уни ўз илтимосига биноан асбобсозлик цехига шогирд қилиб олдилар. Цехга биринчи кирган куниданоқ Зайтулла токарьларнинг қилаётган ишларини зўр қизиқиш ва иштиёқ блан кузатабошлади. Ишвақтида уни-буни сўрайберибмас, ба'зи токарьларнинг ғашига ҳам тегди. Шу кунларни астойдил севган, уни тезда ва пухта эгаллаш учун тиришқоқлик блан ишлаган шогирд кўп ўтмай мустақил ишга кўчирилди.

Тўғри, дастлабки иш кунларида анчагина детальларни брак қилди. Аммо эса умидсизликка тушмади. Ўз ишидаги камчиликларни мастер Рустам Аксеитов ва бошқа юқори малакали, тажрибакор токарьларнинг яқиндан кўрсатган ёрдамлари орқасида тугатабошлади. Бир-икки ойдан сўнг эса смена нормасини ошириб бажаришга эришди.

Мана 7 йилдан бери Зейтулла Темуркаяев Чирчиқдаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг илғорлари safida. МТС, колхоз ва совхозлар учун қўллаб машиналар ишлаб бериш мақсадида самарали меҳнат қилмоқда. Ҳозир ў, ўз касбининг отоқли устаси сифатида фақат заводдагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам шуҳрат қозонган. Ишлабчиқариш процессини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун олиб борилаётган курашга унинг каттагина ҳиссаси қўшилган. Айниқса, Темуркаяевнинг яқинда киритган рационализаторлик таклифи юксак баҳоланди.

Илгари токарьлик станогида бир деталь тўла-тўкис тайёрланиб бўлгач, иккинчисини тайёрлашга киришилар эди. Ишни рационал ташкил қилиш, меҳнат унумини ошириш тўғрисида доим бош қотириб юрадиган Зейтулла янги усул топди. У, тайёрланиши керак бўлган заготовкаларнинг 10 — 15 тасини бирданига биринчи операциядан, кейин иккинчи, учинчи операциялардан ўтказади. У, токарьлик станокларига айланма асбоблар тайёрлашга кеталиган вақтни 3 баробар қисқартишга муваффақ бўлди. Ҳозир Зейтулла ва унинг Бекиров. Бойко каби ҳамкасблари ана шу усулда ишлаб, смена нормаларини 300 процентга ошириб бажараётирлар.

Новатор токарь Зейтулла Темуркаяев илғор иш методларини муваффақият блан қўлланиб, фидокорона меҳнат қилиши натижасида бешинчи бешйилликнинг ўтган 3 йилу 10 ойи ичида 12 йиллик топшириқни бажаришга муваффақ бўлди. Севимли касбида тобора катта ютуқларга эришаётган Зейтулла бошқа ишчиларга ўрнак бўлаоладди.

И. САТТОРОВ.

Сахалин кўмир ҳавзаси ишга бошлаганига юз йил тўлди

ЮЖНО-САХАЛИНСК, (ТАСС). Г. И. Невельский экспедициясининг қатнашчиси лейтенант Бошняк 1852 йилда Сахалинда жатта тошкўмир запаслари борлигини аниқлади. Орадан икки йил ўтгач рус денгизчилари бу конлардан денгиз флотининг ихтиёжлари учун биринчи марта кўмир чиқарабошладилар. Ана шундай қилиб Узоқ Шарқда биринчи ва икки энг катта кўмир ҳавзаси пайдо бўлди.

Чор ҳукумати бирнеча ўн йиллар давомида бу кўмир конларидан кенг фойдаланишни уюштираолмади ва ҳар йили фақат6—7 минг тонна кўмир чиқариб келар эди. Совет кишилари бу ерда кўмир саноатини янгидан ташкил қилдилар. 1931 йилдан то 1941 йилгача Шимолий Сахалин шахталарида ундан илгари 70 йил давомида чиқарилганига кўра 2.6 баравар кўп кўмир чиқарилди. Лекин Сахалин оралида Улуғ Ватан урушидан кейин кўмир саноати чинакам ривожлантириб юборилди.

«Сахалинуголь» комбинатининг бошлиғи С. Я. Серий ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: 1954 йил тўлмасданоқ Сахалин кончилари бешйилликнинг биринчи йилидагига нисбатан бирнеча юз минг тонна кўмир чиқариб бердилар. Кўмирнинг таннархи анча камайтирилди. 1954 йилнинг ўзидагина комбинат пландан ташқари деярлик 7 миллион сўм маблағ тежади.

Сахалин шахталарида юзларча комбайн, кўмир қазиш машиналари, экскаваторлар ишлаб турипти.

Кончилар посёлкалари ўсмоқда ва обод бўлмоқда. Ба'зи посёлкалар кейинги йилларда бевосита тайга ичида ёки тоғ оралари да қурилди. Сахалиндаги биринчи кончилар шаҳри Шахтёрск, шунингдек Бйков, Ударный, Тельновский, Горьний, Вахрушев посёлкалари ва бошқалар тез ривожланмоқда.

Урушдан кейинги йилларда бу ерда 200 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдони, яккма тартибда кўпгина уйлар, ўнларча маданий-маиший муассасалар қурилди.

Узоқ Шарқдаги энг кекса кўмир конининг юз йиллигини шахтёрлар меҳнат соҳасида шонли совғалар блан нишонладилар. «Сахалинуголь» комбинатининг шахтёрлари йиллик топшириқни муддатидан 22 кун илгари бажардилар. Улар йил охиригача пландан ташқари кўпгина эшелон кўмир чиқариб берадилар.

Халқ кучи блан олиб борилаётган қурилишда

ҚАРШИ. (ЎзТАГ). Халқ иштироки блан қурилаётган Эски Ангор канали трассасида ёзги дала ишлари муносабати блан тўхтаб қолган қурилишга Қашқадарё областининг яна мингларча колхозчиси чиқди. Қуручилар орасида ер ишлари планини ошириб бажариш учун мусобақа қизиб кетди.

Косон ва Бешкент районларининг пахтакорлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Янги канал биринчи навбатда ана шу районларнинг далаларига сув чиқаради. Энгельс номли, «Қизил Ўзбекистон», «Қизил Октябрь», Карл Маркс номли, Сталин номли колхозларнинг а'золари олдинги сафда бормоқдалар. Улар топшириқни доимо ошириб адо этмоқдалар. Колхозчилардан Турдиали Сатторов, Бобоқул Тошов ва Ҳожиали Турдиалиев ўртоқлар катта муваффақиятларга эришдилар. Уларнинг ҳарбири кун сайин уч-тўрт нормани бажармоқда.

Эски-Ангор канали қуручиларининг закази бўйича Қаршидаги «Янги ҳаёт» ҳунармандчилик артели ёғочдан кўчма уйлар тайёрлашга киришди. Бу кўчма уйлар экскаватор бригадалари учун белгиланган.

ОРОЛ ДЕНГИЗИДА ЯНГИ ХИЛ БАЛИҚЛАР

МУЙНОҚ. (ЎзТАГ). Орол ҳавзасининг шимолий районларига махсус жиҳозланган катта илишларда кефали деган ёш балиқлар биринчи марта келтирилди. Яқинда Эстониядан Болтиқ денгизидаги салаки деган балиқ тухумлари келтирилди. Бу тухумлар олти метргача денгиз тагига туширилган аппаратларда очирилди. Шу блан бирга Орол денгизига Каспий денгизидан ҳам бирнеча хил балиқ келтирилди

ХАЛҚ СУДЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЕРГАРЛИК

ХАЛҚ СЕВГАН ҚИЗ

Холмурод блан Хосиятхон ўртасидаги муносабатларни кейинги кунларда бирмунча бузилиб қолганлиги Холмуроднинг ҳам, Хосиятхоннинг ҳам дўстларини гоят ҳайратда қолдирди.

Курсдошлар ўз дўстларининг муносабатларини яхшилаш ва улар ўртасидаги англашилмовчиликларни аниқлаш учун Холмурод блан ҳам, Хосиятхон блан ҳам айрим-айрим суҳбатлашмоқчи бўлдилар.

— Холмурод, калта ўйламагин дўстим, кўй бу майда гапларни, — дейишди ўртоқлари. — Турмушга бунчалик енгилтаклик блан қарашнинг оқибати жуда хунук бўлади.

— Сизлар нимани билардингизлар, — Холмурод бу блан, сизлар ҳали менга маслаҳат беришга ёшлик қиласизлар деган ишорани берди.

Холмурод блан Хосиятхонни келиштириш учун дўстларнинг иккинчи бор, учинчи бор қилган ҳаракатлари ҳам натижасиз бўлиб чиқди.

Бу орада икки ёш ўртасидаги муносабатлар янада чигаллашабошлади. Холмурод Тошкент шаҳар Марказий район 4-нчи участка халқ судига ўз турмуш ўртоғи Хосиятхон Исмоиловадан ажратишни сўраб ариза берди.

Халқ судьяси Махфуза Отахонова ариза блан атрофлича танишиб чиқди. Лекин унда кўрсатилган ажралиш сабаблари Махфузани қаноатлантирмади. Шундан сўнг у, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўрмончилик факультетининг иккинчи курс студенти—ариза автори Холмурод Пардаевни ўз ҳузурига чақирди.

Холмурод қабулхонага келганда Махфуза ёшгина бир рус жувони блан гаплашиб ўтирар эди.

— Ўртоқ Слуцкая, — деди Махфуза, — сизни ва умуман совет гражданларини саҳабесиз ҳамда ноҳақ ишдан бўшатишга ҳечкимнинг ҳаққи йўқ. Сизни яна ўз ишингизга қайтариш ва 20 кун бўш юрган да судья тўсатдан Холмуродга савол берди:

— Ҳар иккалангиз ҳам ёшсиз, қизиқконли қилмасдан чуқурроқ ўйлашиб кўрдингизларми. Иккалангиз ҳам бир курсда ўқисангиз, бир партада ўтирсангиз... Бу масалага дўстларингиз қандай қарайди?

Холмурод ҳа деганда жавоб бераколмади, ўртага бироз сукунат тушди.

— Характерларингиз келишмадими? — яна сўради судья. Бу сафар Холмурод жавоб берди.

— Шундай...

— Майли, эртага Хосиятхон блан бирга келинг, яна гаплашамиз.

Бу сафар Махфуза Хосиятхон блан гаплашди, кўп ўтмай масаланинг тугунини топди. Аслда бу икки ёш ўртасидаги жанжал арзимаган нарсадан — кинога бориш ёки бормасликдан келиб чиққан экан.

Бир куни Хосиятхон Холмуродга кинога боришни таклиф қилган. Холмурод эса дарс тайёрлаш керак, эртага семинар, дўстларим олдида қизариб қолмай, деган. Аммо Хосиятхон ўжарлик қилиб, ўз сўзида туриб олган. Шу-шу бўлган-у гап чувалашиб кетган.

Халқ судьяси Махфуза совет оилаларининг хусусиятлари ҳақида гапириб, бу икки ёш гражданларнинг камчиликларини кўрсатиб берди.

— Оилавий масалага бунчалик енгилтаклик блан қараш ярамайди, — деди Махфуза, — турмуш бу ўйинчоқ эмас. Ҳар иккингиз ҳам олий ма'лумотли бўлиш арафасидасиз. Айниқса, сиз каби ёшларга бу қилаётган ишларингиз ярашмайди...

Холмурод ҳам, Хосиятхон ҳам ҳижолатортиб, уялганларидан ерга қарадилар.

— Махфуза Аббосовна, — деди Холмурод ўз маслаҳатчисига мурожаат этиб, — ажралиш ҳақидаги аризамни қайтариб беришингизни сўрайман. Ёшлик — гуруллик дейдилар-ку...

Икки ёш — Холмурод блан Хосиятхон суд эшигидан қўлтиқлашиб чиқиб кетар эканлар Махфуза улар орқасидан узоқ вақт тикилиб қолди. Худди шу вақт у ўзини жуда енгил сезди. Махфуза бу ишнинг натижасидан жуда-жуда мамнун эди.

* * *

Махфуза Отахонова 1948 йили Тошкент юридик институтини тамомлагач, Самарқанд шаҳар, Боғи-шамол районидаги 3-нчи участка халқ судида судья бўлиб ишлади. Жамият ва халқ манфаатлари йўлида ҳеч ким-ай-толмай хизмат қилди. Жуда оз вақт ичида Махфуза ўзининг актив жамоатчи эканлигини кўрсатди.

Халқ ўзининг севган фарзанди — Махфузага гоят катта ишонч билдириб, уни 1951 йилда Тошкент шаҳар Марказий район 4-нчи участка халқ судига судья қилиб сайлади. Шундан бери ўтган вақт ичида Махфуза бутун куч-қувватини ва ғайратини меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, совет қонунларини мустаҳкам туриб амалга ошириш учун сарфлади. Унинг ҳузурида ҳар куни турли ёшдаги турли касб эгаларини кўриш мумкин. Махфуза уларнинг ҳаммаси блан ҳулли эски танишлардек суҳбатлашади. У, маслаҳат олгани келган ҳарбир кишининг саволларига эринмай, атрофлича жавоб беради. Ҳарбир чигални ечиш учун астойдил ҳаракат қилади.

Халқ судьяси Махфузанинг ўз ишида бундай муваффақиятларга эришаётганлигининг асосий сабаби шундаки, у ҳарбир ишни халқ вакиллари, халқ томонидан сайланган халқ маслаҳатчилари блан биргаликда, маслаҳатлашиб амалга оширади. У халқ маслаҳатчиларига муқаддас совет қонунларининг асослари ҳамда моҳиятларини ўргатиш блан биргаликда, уларни ҳам ўрганади.

Махфуза меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек муҳим ишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўни Марказий райондаги саноат корхоналарида тез-тез учратиб туриш мумкин. У ўз сайловчилари олдида вақти-вақти блан ҳисобот бериб туради. Аҳоли ўртасида «Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақида», «СССР гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари» ва бошқа темаларда лекциялар ўқиб туради.

Тошкент шаҳар Марказий район меҳнаткашлари Махфуза Аббосовна Отахонова яна зўр ишонч билдирилар. Махфуза 3-нчи участка халқ судьялигига кандидат қилиб рўйхатга олинди. Халқнинг севган қизи Махфуза бу зўр ишончни албатта оқлайди.

И. СУЛАЙМОНОВ,
З. МУХАММАДЖОНОВ.

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида

Илгари матбуотда хабар берилганидек, шу йил 7 ноябрьда Совет Ҳукумати АҚШ Ҳукуматига нота юборган эди, бу нотада Б-29 типидаги америка ҳарбий самолётининг Танфильев ороли районида (Кориль ороллари) Совет Иттифоқининг давлат чегарасини бузганлигига қарши норозилик билдирган эди.

Совет Ҳукуматининг 7 ноябрьдаги нотасига жавобан АҚШнинг Москвадаги Элчихонаси 17 ноябрьда АҚШ Ҳукуматининг қуйидаги нотасини топширди:

«Қўшма Штатлар Ҳукумати 7 ноябрьда (маҳаллий вақт блан) «МИГ» типидаги икки совет самолёти Хоккайдо районида (Япония) Қўшма Штатларнинг Б-29 типидаги самолётини уриб туширганлиги гўё ҳисобда 7 ноябрьда Совет Ҳукуматига юборган нотасини ва Совет Ҳукуматининг бу масала юзасидан ўша куни юборган нотасини далил қилиб келтиради.

Қўшма Штатлар Ҳукумати бу можаро ҳақида 7 ноябрьдаги совет нотасида айтилган версияни асоссиз деб рад этади. Ҳужумни совет самолётлари америка самолётининг учучисини огоҳлантирмасдан ва бирор тарзда сигнал беришга уринмасдан бошлаган. Қўшма Штатларнинг самолёти бутун вақт давомида совет самолётига ўт очмаган. Совет самолётларининг ҳечбир важ блан оқлаб бўлмайдиган ва душманчилик акти натижасида Қўшма Штатларнинг самолёти Хоккайдо оролида Нюккегун қишлоғи ёнида йиқилиб тушиб мажаргаиб кетган.

Америка самолётларига тинчлик мақсадларини кўзда тутган топшириқларни бажарган вақтларида совет самолётларининг ҳечбир важ бўлмагани ҳолда шу америка самолётларига бу хилда доимо ҳужум қилаётганликлари натижасида юз берган кейинги можарога қарши Қўшма Штатлар Ҳукумати яна норозилик билдиради. Шу муносабат блан Қўшма Штатлар Ҳукумати қайд қилиб ўтадики, Совет Ҳукумати Б-29 типидаги бошқа бир америка самолётининг тахминан ўша районда ва ўшандай вазиятда йўқ қилингани тўғрисида Қўшма Штатлар Ҳукуматининг 1954 йил 25 сентябрьдаги нотасига ҳалигача жавоб бергани йўқ. Ўша нотада яна кўрсатиб ўтилган эдики, Қўшма Штатлар Ҳукумати Япония Ҳукуматининг Хабоман ороллари группаси Япония миллий территориясининг ажралмас қисми эканлиги ҳақидаги да'восини қўллаб-қувватлайди. Сўнгра Қўшма Штатлар Ҳукумати Япония Ҳукуматининг жиддий ташвишига, я'ни Совет Ҳукумати Хабоман ороллари Япония территориясини ғайри-қонуний равишда оккупация қилиб туришни давом эттирибгина қолмай, балки Қўшма Штатларнинг бу районда қонуний равишда турган самолётларига сабабсиз ҳужум қилаётир деган жиддий ташвишига қўшилади.

Қўшма Штатлар Ҳукумати сўрайдики, мана бу хилдаги сабабсиз ҳужумлар учун жавобгар бўлган кишиларга нисбатан тегишли интизом чоралари кўрилсин ва бу хил можароларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мумкин бўлган ҳамма чоралар кўрилсин, чунки бу хил можаролар юқори мансабдаги совет арбобларининг Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатишга интилаётир, деб яқинда қилган баёнотларига тамомила зиддир. Советларнинг мана бундай чораларни кўриши Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматларининг ўзаро манфаатларига жавоб берган бўлур эди. Агар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати тегишли чораларни кўрмаса, Қўшма Штатлар Ҳукумати Қўшма Штатларнинг ана шу қонуний ва тинчлик миссияларини бажараётган самолётларини муҳофаа қилиш мақсадида зарур ҳимояни та'минлашга мажбур бўлади ҳамда бундан келиб чиқадиган ҳарқандай оқибатлар учун жавобгарлик Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати зиммасига тушади.

Совет Ҳукумати яна шу ҳақда хабардор қилинадики, Қўшма Штатлар Ҳукумати 7 ноябрьдаги совет акцияси натижасида кишиларнинг ҳалок бўлганлиги ва моддий зарар кўрилганлиги ҳақидаги ўз ҳуқуқларини яна та'кидлайди ва ўзида сақлайди».

АҚШ ҳукуматининг 17 ноябрьдаги нотаси муносабати блан 11 декабрьда СССР Ташқи Ишлар Министрлиги АҚШнинг Москвадаги Элчихонасига Совет Ҳукуматининг нотасини юборди.

Қуйида Совет Ҳукумати нотасининг тексти келтирилади:

«Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг шу йил 17 ноябрьдаги 390-нчи сонли нотаси муносабати блан Совет Ҳукумати қуйидагиларни билдиришни зарур деб ҳисоблайди.

Совет Ҳукуматининг 7 ноябрьдаги нотасида аниқланган ма'лумотлар келтирилган эди, бу ма'лумотларга биноан, шу йил 7 ноябрьда маҳаллий вақт блан соат 13 дан 20 минут (Владивосток вақти блан соат 12 дан 41 минут) ўтганда Б-29 типидаги тўрт моторли америка ҳарбий самолёти Танфильев ороли районида (Кориль ороллари) СССРнинг давлат чегарасини бузган ва шу орол томонига қараб Совет Иттифоқининг ҳаво масофасига бостириб киришни давом этдирган. Чегарани бузиб ўтган самолёт ана шу орол устида учганида унинг СССР чегаралари доирасида эканлигини кўрсатиш ва унга Совет Иттифоқи ҳаво масофасидан дарҳол чиқиб кетишни таклиф этиш учун қиручи икки совет самолётлари яқинлашиб келаётган пайтда америка самолёти уларга ўт очган. Америка самолётининг ҳеч важ бўлмагани ҳолда бу ҳилда ўт очганлиги муносабати блан совет самолётлари жавоб ўтқ очишга мажбур бўлганлар. Чегарани бузган америка самолёти фақат ана шундан кейингина СССР ҳаво масофасидан чиққан ва ғарбий-жанубий томонга учиб кетган.

Тегишли текшириш натижасида пухта аниқланган юқорида келтирилган фактлар АҚШ Ҳукуматининг нотасида айтилган да'воларни, я'ни Қўшма Штатлар самолёти 7 ноябрьда совет самолёти томонидан гўё Япония территорияси устида Хоккайдо ороли районида уриб туширилган ва ҳужумни гўё совет самолётлари бошлаган деган да'вони рад этади.

АҚШ Ҳукуматининг нотасидан ма'лум бўлишича, АҚШ Ҳукумати Б-29 типидаги америка самолётининг 7 ноябрьдаги Совет Ҳукумати нотасида айтилган трасса бўйлаб учганлигини ва америка самолётининг совет самолётлари блан учрашуви Танфильев ороли (Кориль ороллари) устида рўй берганлигини рад этмайди.

Бироқ, АҚШ Ҳукумати шундай деб билдирадики, гўё америка самолёти совет самолётларига қаратиб ўт очмаган эмиш. Ҳодбуки, совет қиручи самолётлари яқинлашиб келган вақтда америка самолёти ўт очганлиги жуда пухта аниқланган, шу жумладан тегишли аппаратура блан ҳам аниқланган.

Шу муносабат блан эслатиб ўтиш ўринлидирки, АҚШ Ҳукуматининг шу йил 4 сентябрьда Островной бурни районида СССР давлат чегарасини бузган «Нептун» типидаги америка ҳарбий самолёти ҳақида шу йил 6 сентябрьдаги нотасида ҳам бу америка ҳарбий самолёти совет қиручи самолётларига қарши гўё умуман ўт оччаган деб да'во қилинган эди. Бироқ, кейинчалик АҚШ Харбий-Денгиз Министрлиги, шунингдек Бирдашган Миллатлар Ташкилотидаги америка вакили 1954 йил 10 сентябрьда Хавфсизлик Кенгашида сўзлаган нутқида ҳақиқатда америка самолёти совет самолётларига қаратиб ўқ узганлигини э'тироф қилдилар.

АҚШ Ҳукуматининг, америка самолётлари блан можаролар юз берган райондаги ба'зи Жанубий Кориль ороллари гўё совет территорияси эмас, деган баёнотига келганда, бу баёнот тамомила асоссиздир ва Кориль ороллари ҳақидаги Ялта битимининг қоидаларига очиқдан-очиқ хилофдир, Америка Қўшма Штатлари ҳам бу битимнинг қатнашчисидир. Ма'лумки, Совет Иттифоқи таслим бўлган япон қўшинларини Японияннинг таслим бўлиши ҳақида иттифоқчилар ўртасида бўлган битимлар асосида ҳамма Кориль ороллари территориясида қабул қилиб олди, ҳамма Кориль ороллари Ялта конференциясининг қарорига биноан, Совет Иттифоқига топширилган эди. Ана шу юқорида айтилган битимга биноан ва Иттифоқчи Давлатлар Бош қўмондони Макартур Штабининг 1946 йил 29 январьдаги директивасида тўппа-тўғри кўрсатилдики, бу ороллар Японнядан ажратиб олинган бошқа территориялар блан бир қаторда Япония суверенитетидан чиқариб қўйилди.

Ана шу юқорида айтилганларга биноан Совет Ҳукумати билдирадики, АҚШ Ҳукуматининг норозилик билдириши учун асос йўқ.

Совет Ҳукумати ўзининг 7 ноябрьдаги нотасида шу ҳақда афсус билдириб ўтдики, СССР давлат чегарасини бузиб ўтишларига йўл қўймайдиган чораларнинг кўрилиши бу хил можароларнинг ва улар блан боғлиқ қурбонларнинг бўлмаслигига имкон берган бўлар эди. Бироқ, шуни айтмаслик мумкин эмаски, АҚШ Ҳукуматининг, келгусида АҚШ Ҳукумати Қўшма Штатлар самолётларининг «зарур ҳимоясини та'миндайди» деган баёноти бунга ёрдам бераолмайди. Америка ҳарбий қўмондонлигининг бу хил ҳаракатлари ана шундай можароларнинг такрорланиш хавфини фақат кучайтирган бўлур эди. Бу хил ҳаракатларнинг халқаро кескинликни юмшатиш манфаатларига зид эканлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Совет Ҳукумати ўзининг шу йил 7 ноябрьдаги нотасини та'кидлайди ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати АҚШ ҳарбий-денгиз «кучлари қўмондонлигига келгусида америка самолётларининг Совет Иттифоқи давлат чегарасини бузиб ўтишларига йўл қўймаслик учун зарур чоралар кўриш тўғрисида тегишли кўрсатмалар беради деб кутади».

Совет суди давлат ва халқ манфаатларининг ҳимоячиси

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда. Бу ҳаётбахш ғалабаларнинг асоси — партия, ҳукумат ва халқни иродасининг бирлигидир.

Коммунистик партия томонидан қўйилган гоят катта вазифаларни бажариш учун мамлакатимизда коммунизм қуришда ва ташқаридан бўладиган ҳужумни қайтаришда асосий қурол бўлган Совет давлатини мустаҳкамлаш, совет социалистик ҳуқуқи ва совет социалистик қонунчилигини мустаҳкамлаш талаб қилинади.

Совет қонунчилиги социалистик давлатимиз ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди.

Совет давлати меҳнаткашлар манфаатларини ифода этучи энг юқори типдаги давлат бўлгани сингари, совет социалистик қонунчилиги ҳам янги, энг юқори типдаги қонунчиликдир. Бундай қонунчиликкишилик тарихида бўлмаган эди.

Совет социалистик қонунчилиги ўз синфий ва сиёсий моҳияти блан буржуа давлатларидаги «қонунчилик»дан тўблан фарқ қилади. Ҳозирги шароитда буржуа қонунчилиги янада сохталашиб ва сурбетлашиб кетмоқда. Буржуазия эски методлар блан ҳукмронлик қилиш мумкин эмаслигини тушуниб, халқларнинг тинчлик ва демократия учун олиб бораётган ҳаракатлари олдида кучсизлигини тушуниб, қатто ўзи томонидан яратилган қонунчиликни инкор этмоқда, буржуа-демократик эркинликлар байроғини четга улоқтириб ташламоқда.

Америка Қўшма Штатларининг ҳукмдорлари очиқдан-очиқ буржуа-демократик қонунчилик принципларидан бош тортиб, фашизм методларига ўтмоқдалар. Америка империализми ҳозир агрессор сифатидагина эмас, балки ҳаммаёқда демократияни бўғиб ташлашга уринаётган жаҳон жандарми сифатида ҳам ҳаракат қилмоқда.

Буржуа давлатидаги суд, бутун давлат аппарати сингари, капиталистик хусусий мулкни, капиталистик тузумни, кишининг киши томонидан эксплуатация қилишишини ҳимоя қилади. Америка Қўшма Штатларидаги судлар реакциянинг энг актив қуролларидан, монополистик капитал ҳукмронлигини, эксплуататорлар ҳукмронлигини сақлашнинг воситаларидан биридир. Америка Қўшма Штатларидаги судьялар капиталга сотилган бўлиб, реакцияга хизмат қиладилар. АҚШдаги судья ва прокурорлар коммунистларни, прогрессив ташкилот вакилларини ва тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг қатнашчиларини айниқса қаттиқ та'қиб қиладилар. Масалан, 1949 йилда Коммунистик партия бошқарларининг иши устидан ўтказилган суд процессида суд раиси Медина судланучиларни қоралаш учун процесс олиб боришнинг элементар қоидаларини бузишгача, я'ни ҳимоячиларни, гўё улар судга ҳурматсизлик кўрсатдилар, деб жазолашгача бориб етди.

АҚШ судлари гражданларга олдиндан расмий айбнома қўймасдан туриб, турмага қамаш блан қонунларни қўпол равишда бузмоқдалар.

Нью-Йоркли судья Френк Оливер Қўшма Штатлардаги тартибларни қуйидагича характерлайди: «Ҳечқандай ордерсиз ва умуман ҳечқандай сабабсиз кечаси ёки кундузи ҳарқандай уйга бостириб кирилишини ва тинтув қилинишини кутиш мумкин».

Совет суди давлат манфаатларини ҳимоя қилиб, революцион тартибларни ва социалистик қонунчиликни қат'ий туриб амалга оширади. Совет суди бутун фаолиятида совет халқларининг иродасини ифода этучи совет қонунларига қат'ий амал қилади. Совет суди социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида Совет давлатини мустаҳкамлаш, халқимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилиш ишига актив ёрдам берди ва ҳозир ҳам актив ёрдам бермоқда.

Бизнинг мамлакатимизда суддан бошқа ҳечқандай орган гражданларга қилган жиноятлари учун жазо беролмайди. Фақат судларгина Совет Иттифоқи ёки совет социалистик республикалари номидан, қонунларга асосланган ҳолда, қат'ий белгиланган процессуал тартибдагина совет одил суди функциясини амалга ошириши мумкин.

СССРдаги одил судловнинг энг муҳим принципи шундан иборатки, судьялар ҳарқандай жиноий ёки гражданлик ишларини кўраётганларида мустақил ҳаракат қиладилар. Судьяларнинг мустақиллик принципи, биринчидан, шундан иборатки судьялар конкрет ишларини ҳал қилаётганларида фақат қонунга қўйсинадилар. Биророта ҳам маҳаллий орган, биророта ҳам мансабдор шахс суднинг оператив фаолиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмас.

Совет судининг муҳим вазифаларидан бири, социалистик мулкни ўғрилардан ва талон-тарож қилучилардан қўриқлашдир. Социалистик мулк муқаддас ва дахлсиз бўлиб, у мамлакатимиз бойлиги ва қудратининг, барча меҳнаткашларнинг фаровон ва маданий турмушининг манбаидир. Шунинг учун совет суди социалистик жамоат мулкига кўз олайтирган шахсларни қаттиқ жазолайди.

Масалан. Зинаида Секрет материаллар складининг мудири вазифасида ишлаб, завод-охранинг Далажон Мамаюсупов блан биргаликда мунтазам равишда спирт ўғирлаш блан шуғулланганлар. Бу шахсларнинг жиноий ишлари натижасида заводга 63 минг сўмлик ёнён етказилган. Сайёр суд сессияси Секретни 15 йил, Мамаюсуповни 10 йил ахлоқ тузатиш лагерига ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш учун мол-мулкларини мусодара қилишга ҳукм қилди.

Совет суди социалистик мулкни ҳимоя қилиш блан бирга, гражданларнинг шахсий мулкларини ҳам қўриқлайди.

Совет қонунлари бандитларни айниқса қаттиқ жазолайди. Қонун бандитлик қилган кишиларга нисбатан уруш вақтида отиб ўлдириш жазосини қўллашга рухсат этган эди, тинчлик вақтларда эса уларга нисбатан узоқ муддат озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади.

Тошкент область суди яқиндагина Кац бошчилигидаги бир гуруҳ жиноятчилар устидан ҳукм чиқарди. Бу гуруҳдаги 13 киши илгари хулиганлик ва безорилик қилганлари учун қамалган бўлиб, амнистия тўғрисидаги Фармон асосида қамоқдан чиққанлар ва шундан кейин ҳам ижтимоий меҳнатга аралашмай, мунтазам равишда гражданларни талаш блан, квартиралар ва давлат магазинларини ўғирлаш блан шуғулланганлар. Одил суд бандитлардан Кац, Аистов, Тиллабоевларни 25 йил ахлоқ тузатиш лагерьларига, мол-мулкларини мусодара қилишга ва сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилди. Бандитлар гуруҳининг бошқа қатнашчилари ҳам узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг ма'навий бойлигини кўпайтириш, халқ маорифи, фан, адабиёт ва san'атни ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Партия томонидан барча ишчи ва деҳқонларни маданиятли ва ма'лумотли қилиш тўғрисида қўйилган вазифа муваффақият блан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда миллионлаб меҳнаткашлар турли ўқув юртларида та'лим олмоқдалар, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-техник даражаси тинмай ошмоқда, уларнинг коммунистик онглилиги ўсмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали орамизда капитализм сарқитларидан қутилаолмаган шахслар бор. Айрим совет кишилари онгида буржуа идеологиясининг қолдиқлари, хусусий мулкчилик психологиясининг сарқитлари сақланиб қолган. Бу, бизнинг турмушимизда турли ярамас ҳоллларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ичкиликбозлик доим ёмон оқибатларга — хулиганлик қилиш, муштлашиш ва пичоқлашишга олиб келади. Халқ судлари милиция органлари ва совет жамоатчилиги блан биргаликда ана шу ўтмишнинг энг ярамас сарқити бўлган ичкиликбозликка қарши кураш олиб бормоқдалар.

Масалан, шлиповщик бўлиб ишловчи Кравченко (1929 йилда туғилган) маст ҳолда 30-нчи мактабга кириб, сўкинабошлаган, ўқитучиларни қувлаган, машғулотларни бузган. Шу куннинг ўзида Кравченко Шумилов бозорига бориб, жуда кўп гражданлар тўпланган жойда уятли сўзлар блан сўкинабошлаган. Милиция органлари уни милиция бўлимига олиб келганда, милиция ходимларини сўккан. Халқ суди Кравченкони 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

«Таштекстильмаш» заводининг токари Иван Тарасюк (1932 йилда туғилган) кишилик қиёфасини йўқотгунча ичиб, трамвай остановкасида шу завод ишчиларига нисбатан хулиганлик қилган, ишчи Зуевнинг кафтини, Бибиковнинг панжасини пичоқ блан тилиб юборган. Халқ суди Тарасюкни 5 йил турма жазосига ва 2 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Халқ судлари спекулянтларни, порахўрларни, совет қонунлари ва социалистик турмуш қоидаларини бузучиларни қаттиқ жазолайди.

Тошкент шаҳар касалхонасининг врачи А. И. Шапкин Сталин район ҳарбий комиссариати қошидаги тиббий комиссия а'зоси қилиб тайинланганч, шахсий манфаатларини кўзлаб, армияга чақирилучиларнинг ота-оналарига уларнинг ўғилларини Совет Армиясига чақирилишдан озод қилишга ва'да бериб, улардан пора олган. Тошкент шаҳар Сталин район халқ суди Шапкинни 5 йил қамоқ жазосига ва 3 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди.

Гражданлар ва жамоат ташкилотларининг талаби блан СССР Олий Совети Президиуми 1954 йил 30 апрельда гражданлар ҳаётини кўриқлаш мақсадида қасддан одам ўлдирган шахсларга нисбатан тинчлик вақтида ҳам ўлим жазосини қўллаш ҳақида Фармон чиқарди. Бу Фармон мамлакатимизда кишиларнинг ҳаётини кўриқлаш ҳақида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Совет суди киши ҳаёти ва соғлигига қасд қилган шахсларни қаттиқ жазодамоқда.

Рассом Саутиков ўзининг Қодировлар оиласи блан танишлигидан фойдаланиб, 9 май куни маст ҳолда Қодировнинг 1945 йилда туғилган Светлана исмли қизини алдаб, Оржоникидзе районидаги Каганович номли колхоз территориясига олиб борган ва уни зўрлаган. Саутиков жиноятининг очилиб қолишидан қўрқиб, Светланани бўғиб ўлдирган.

Суднинг сайёр сессияси бу иш юзасидан тўпланган материалларни жиддий текшириб чиқиб, Саутиковни энг олий жазога — отиб ўлдиришга ҳукм қилди. Суд ҳукмини меҳнаткашлар якдиллик блан ма'қулладилар. Ҳукм ижро этилди.

Темир йўл ишчиси Тўхтаев ифлос ниятлар блан ўз хотинининг бирнеча жойига пичоқ уриб ўлдиради. Суднинг сайёр сессияси Тўхтаевни энг олий жазога — отиб ўлдиришга ҳукм қилди ва ҳукм ижро этилди.

Бу мисоллар бизнинг қонунчилигимиз ва совет суди шахслар дахлсизлигини, кишиларнинг қадр-қиймати ва ша'нини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганини кўрсатади.

Совет суди гражданлик ишларини кўриб, ноҳақ йўл блан ишдан бўшатилган кишиларни ўз ишига тиклайди ва уларнинг бекор юрган кунлари учун ҳақ ундириб беради. Совет суди алимент масалаларинд ва уларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш ишларига ҳам ҳаққоний ва ҳаққоний ҳал қилади. Шу йўл блан гражданларни коммунистик ахлоқ руҳида, онлага, болаларга, меҳнатга, социалистик мулк ва гражданларнинг шахсий мулкларига нисбатан социалистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялайди.

Тошкент автобус-таксомотор базасида, шоферлардан Кабиров, Кусаев ва Самандаровлар штатнинг қисқариши муносабати блан бўшатилди, деган буйруқ чиққан. Ваҳоланки, улар бўшатилмасдан олдинги 11 шофер ишга қабул қилинган ва ҳечқандай гуноҳ қилмаган эски шоферлар бўшатилган куни янги қабул қилинганлардан биттасидан ташқари, ҳаммаси ишда қолдирилган.

Тошкент шаҳар, Фрунзе район 1-нчи участка халқ суди базада ҳечқандай штат қисқариши бўлмаганини аниқлаб, ноҳақ ишдан бўшатилган Кусаев, Кабиров ва Самандаровларни илгариги ишларига тиклаган ва уларнинг бекор юрган 20 кунлик ҳақларини ундириб берган.

Ҳукумат тепасида халқ турган ва давлат меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилаётган бизнинг мамлакатимиздагина кишилар тўғрисида шундай ғамхўрлик қилинмоқда.

Социалистик давлат аппаратларининг барчаси сингари, совет суди ҳам халққа яқин туради, унга хизмат қилади ва ўз фаолиятида халқ оммасининг давлат бошқармасига бевосита қатнашиши принципига амал қилади.

Социализм ғалаба қозонган мамлакат Конституцияси — СССР Конституциясининг ҳақиқий демократик принципларига асосида ташкил қилинган ва шу асосда иш кўручи совет суллари ҳақиқатан ҳам демократик судлар бўлиб, улар социалистик давлат манфаатларига хизмат қилади, халқ иродасини амалга оширади.

Халқ судларига сайлов социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлашда ва барча меҳнаткашларни қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаши керак.

М. ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Юстиция министри.

ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз а'золари халқ судларига сайловни қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришиш блан кутиб олмоқдалар. Колхозда пахта тайёрлаш, чорва молларини кўпайтириш, давлатга чорва маҳсулотлари топшириш, пилла топшириш планлари муддатидан илгари бажарилди.

Колхозчи ва механизаторлар ўзаро ҳамкорликни кучайтириб, сайлов шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Маннон Бойназаров бошлиқ агитколлектив атрофига уюшган 30 дан кўпроқ агитаторлар халқ судлари сайлови муносабати блан сайловчилар ўртасида оммавий-агитация ва тушунтириш ишларини ҳартарафлама яхшиламоқдалар. Ҳарбир агитатор сайловчилар ўртасида олиб бораётган лекция, суҳбатда колхозчилар ва механизаторлар ҳаётидан олинган фактлардан фойдаланади.

Агитпункт шиорлар, плакатлар, портретлар, қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятларни кўрсатучи диаграммалар блан безатилган. Ҳархил бадиий, сиёсий, иқтисодий ва қишлоқ хўжалигига оид китоблар, журналлар, 10 га яқин газеталар олиниб турилади. Агитпунктга тажрибакор агитатор ўртоқ Асилов раҳбарлик қилмоқда. Агитпунктда Ғайрат Маматов, Абдулла Ҳайитметов, Собир Зокиров, Азим Ҳайитов сингари актив ва жамоатчи комсомоллар навбатчилик қилмоқдалар.

Агитаторлар сайловчилар ўртасида қизиқарли темаларда лекция ўқиб, мароқли суҳбатлар ўтказмоқдалар. Агитаторлардан Маҳкам Иброҳимов, Моҳира Қосимова, Муҳаббат Абдиева, Р. Аширматов ва бошқалар сайлов Низоми тўғрисида, «Совет демократияси Олий типдаги демократия», деган темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказдилар.

Бундан ташқари, колхознинг бригадаларига биркитилган агитаторлардан Тўра Жўраев, Туроб Акбаров, Олимжон Каримов ўртоқлар ҳам ўзлари агитатор бўлган бригадаларнинг колхозчилари ва механизаторлари ўртасида сайлов Низомини кенг тушунтириб, ҳархил темаларда суҳбатлар ўтказмоқдалар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг органи «Тинчлик учун» деворий газетаси ҳам халқ судлари сайловига тайёргарликни кучайтиришга бағишланиб чиқарилди. Сайловчилар агитаторларнинг намунали ишидан жуда хурсанд бўлаётирлар.

М. АДИЗОВ.

Ўзбекистон машинасозларининг Совет Иттифоқи пахтакорларига ёрдами

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаручи саноат корхоналари коллективлари пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатини қизғин қўллаб-қувватладилар. Заводларда пахтакорларнинг топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кечаймоқда, қимматли техника экини бўлган пахтани етиштиришнинг илғор агротехника усулларини жорий қилиш учун зарур бўлган янги машиналарни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

ЎзТАГ мухбири машинасозлик заводларининг раҳбарларига мурожаат этиб, қишлоқ меҳнаткашларини янги машиналар блан та'миплаш учун ҳозирги вақтда қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилди. Унга қуйидаги жавоб берилди:

— Тошкентдаги Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи, — деди бош инженер Г. Винокуров,—товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича 1954 йилги ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажарди. Бунга техника янгиликларини жорий қилиш туфайли эришилди. Қуйиш цехи конвейер блан бойитилди, механика цехларида энг янги технология потоклари вужудга келтирилмоқда. Завод уникал ускуналар блан та'миланмоқда.

Кенгаш қатнашчиларининг Мурожаати барча цехларда ва бўлимларда қизғин муҳокама қилинди ва машинасозлар уни ҳаракат программаси, деб қабул қилдилар. Бизнинг конвейеримиздан ҳозиргадек «СХМ—48» ва «СХМ—48М» маркали 25 мингта пахта териш машинаси чиқарилди. Завод қишлоқ хўжалик механизаторларининг талабларига жавобан, келгуси йилда бундан илгари ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарининг ҳаммасини пневматик подборшчиклар блан, шунингдек электр қуввати блан тобланган ва пардозланган янги шпиндель барабанлари блан та'миндайди.

«СХМ—48М» маркали пахта териш машиналарининг ҳаммаси келгуси йилда қатор оралари торайтирилган пахта далаларида ишлаш учун мослаштирилади. МТС ва совхозларга машиналарни қайтадан ускуналаш учун зарур бўлган махсус ускуналар юборилади. Ҳозирги вақтда корхонамиз ишчилари ва мутахассислари қатор ораларининг кенглиги 60 сантиметр бўлган майдонларда ишлаш учун «СХС—1,2» маркали терим машиналарини қўлаб ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрабошладилар.

«Узбексельмаш» заводининг директори В. Стикайло бундай деди:

— Корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари оширилган янги мажбуриятлар олиб, экиш кампанияси бошланишигача «СПГ—4» маркали икки мингта сеялка ишлаб чиқаришга ва'да бердилар. Бу сеялкалар қатор оралари торайтирилган ерларда чигитни квадрат шаклда уялаб экиш учун мўлжалланган.

Мажбуриятни муваффақиятли бажариш мақсадида цехларда деталь ва узелларни тайёрлаш ҳамда йиғиш учун топширишнинг янги смена-суткалик графиклари ишлаб чиқилди. Инструменталь, темирчилик-пресс цехлари ва бошқа цехларнинг коллективлари янги график бўйича ишга киришилган дастлабки кунлардан бошлаб ўз мажбуриятларини ошириб бажармоқдалар.

Ўрта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжондаги ҳамда Совет Иттифоқининг бошқа республикаларидаги пахтачилик колхозлари ва совхозлари келгуси йилда заводимиздан «СПГ—4» маркали етти мингта сеялка оладилар. Айни бир вақтда ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш олиб борши учун қатор оралари торайтирилган ерларда ишлашга мослаштирилган осма аппаратлар ишлабчиқариш кўпайтирилади.

Шунингдек «Чирчиксельмаш» заводида ва Ўзбекистоннинг бошқа корхоналарида ҳам ғўзани янги агротехника усулида парвариш қилиш учун қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигига бағишланган музика асарлари

Ўзбекистон композиторлари республикамизнинг 30 йиллигига бағишлаб кўпгина янги музика асарлари яратдилар. Бу асарларнинг ҳаммаси кўрикдан ўтказилди. Кўрикда Сталин мукофоти лауреати, композитор М. Ашрафийнинг «Ватаним тонги» симфоник поэмаси, Икром Акбаровнинг «Шоир хотираси» симфоник поэмаси, С. Бобоевнинг «И. В. Сталин хотираси» (Гуроб Тўла ше'ри) номли вокаль-симфоник поэмаси, Х. Раҳимовнинг «Ёшлик» симфоник поэмаси, А. Козловскийнинг «Поэма» ва «Сюита»си, Д. Соатқуловнинг «Торли квартет» ва бошқа симфоник асарлари юқори баҳоланди.

Композитор Г. Қодиров ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун «Ўзбек халқ темаларида» номли сюита ёзди, композитор Пак Ен-дин «Корейс халқ темасида сюита» ижод қилди. Композитор С. Ҳудаков эса «Партия ҳақида ёшлар қўшиғи» асарини яратди. Бу асар яқинда Ўзбекистон Давлат филармониясининг ашула ва рақс ансамбли томонидан муваффақиятли ижро этилди. Композиторлардан Г. Собитов «Памир темасида сюита», Б. Гиенко «Мирзачўл» номли симфоник поэма, С. Юдаков «Ёшлик поэмаси» каби асарларини республика юбилейига атаб ёздилар.

Композитор М. Левиев андижонли ёш драматург Х. Саидов блан ҳамкорликда «Кўнгил қўйлари» музикали драмасини яратди. Бу драма Андижон музикали драма театрининг репертуарига қўшилган янги ҳисса бўлди. Композиторлардан Г. Мушель ва Ю. Ражабий «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасини қайта ишлаб чиқдилар.

Ҳозир ўзбек композиторларининг бир группаси ўзбек халқининг бахт-саодати ҳақида, республикамизнинг энг яхши кишилари — колхоз далаларининг фидокор меҳнаткашлари, ишлабчиқариш новаторлари, олимлар ҳақида янги қўшиқлар яратиш устида қизғин ижодий иш олиб бормоқда.

Сабзавотчи агрономларнинг малакаси оширилмоқда

Ўзбекистон сабзавот-картошка тажриба станцияси ҳузурида республиканинг МТС-ларида ишлаётган сабзавотчи агрономларнинг малакасини ошириш юзасидан икки ҳафталик курс очилди.

Мутахассислар сабзавот ва картошкани квадрат шаклда уялаб экишдан иборат илғор иш усуллари ҳақида бирқанча лекция тинглайдилар. Сабзавотчи агрономлар янги техника — уялаб экадиган сеялкалар, картошка экадиган, сабзавот кўчати ўтказадиган ва ўғит сепадиган машиналар блан танишадилар. (ЎзТАГ).

Пахтачиликни ривожлантиришда янги, прогрессив методларни кенг қўлланайлик!

☆

Дала ишлари Мурожаат асосида уюштирилмоқда

Сирдар'ё районидаги илғор колхозларнинг а'золари ва механизаторлари пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан бўлиб ўтган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Улар ана шу Мурожаатда кўрсатилган тадбирларни ўз колхозларида ҳам қўлланиш ва бу блан пахта ҳосилини кескин оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун янги планлар тузмоқдалар.

Райондаги Тарас Шевченко номли колхознинг барча бригадаларида Мурожаат тексти ўқиб чиқилди. Комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи ўртоқ Қоплонов бундай деди:

— Пахтачиликда механизациядан тўла ва унумли фойдаланиш, бу соҳада янги, прогрессив методни қўлланиш ҳосилни оширишда сўзсиз катта роль ўйнайди. Биз бу йил бригадамиздаги 68 гектар ернинг 35 гектарига чигитни 60Х60 сантиметр схемаси асосида экдик. Натижада ана шу ерлардаги ғўза парваришини тўла механизациялаш имкониятларини яратилди. Бундан ташқари, бригадамиз бўйича 1250 меҳнат куни кам сарф қилинди, ҳосил анча ошди. Биз келгуси йилда бригадамизнинг ҳамма ерларига чигитни шу метод асосида экамиз ва гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз.

Шунингдек, «XIX партс'езд», Маленков номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам пахтакорлар Мурожаатни қизғин ўрганаётирлар. «XIX партс'езд» колхозининг раиси ўртоқ Ж. Маманов пахтачиликда янги методлардан дадиллик блан фойдаланиш ҳамавақт катта фойда бериши тўғрисида гапиради.

— Биз бу йил,—дейди у,—300 гектар ерга чигитни торайтирилган қаторларга экдик ва бу методнинг афзаллигини амалда кўрдик. Торайтирилган қаторларга экилган чигит барвақт унди ва ғўза парваришини ўтказишда анча қулайликлар бўлди. Асосий иш механизация кучи блан бажарилди, колхозчиларнинг кўп қисми бошқа ишларни бажардилар. Чигит торайтирилган қаторларга экилгани учун 70 сантиметр кенглиқда чигит экилган ерлардагига нисбатан ҳосил анча ошириди. Квадрат усулда чигит экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 34—35 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Пахтакорларимиз бу усулни келгуси йилда кенг қўлланадилар.

Сирдар'ё районидаги илғор пахтакорлар ва механизаторлар пахтачиликни ривожлантиришда янги, прогрессив методларни қўлланиш йўли блан ҳосилни кўпайтириш мақсадида зарур тадбирларни шу кунларда амалга ошираётирлар. Бу колхозларда кузги-қишки ишлар муваффақиятли ўтказилмоқда. Агрономлар ва мутахассислар пахтакорлар ўртасида янги ва прогрессив методларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

З. РАҲМОНОВ.



Пахтачиликни янада ривожлантириш учун кўплаб машиналар ишлаб чиқарилмоқда. **Суратда:** Липецк заводида ишлаб чиқарилган «КДП—35» маркали (пахтачиликда ишлатиладиган тури) ўрмаловчи дизель трактори. Бу трактор дизель ёнилғисини кам исте'мол қилгани ҳолда, ўғитлагич-культиватор, «КУП—6» маркали олти қаторлаб ерни юмшатадиган ва қатор ораларини бегона ўтлардан тозалайдиган асбоби блан биргаликда анча унумли ишлайди.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Авиация қишлоқ хўжалиги хизматида

Ўзбекистонда пахта майдонларига ҳайдаш олдидан минерал ўғитлар сепучи авиация биринчи марта қўлланилмоқда. Ўзбекистон колхозларида ўғит сепучи бундай самолётлардан кузги-қишки ва эрта баҳорги тадбирларни амалга оширишда фойдаланиш айниқса мақсадга мувофиқдир. Чунки бу вақтда минерал ўғитларни отарава ва автомобиль транспорти блан тош ётқизилмаган йўллар бўйича бригадаларга етказиб бериш анча қийин бўлади. Шунинг натижасида кўп жойларда экин майдонлари фосфор минерал ўғитлари блан ўғитланмай ҳайдалади, оқибатда ғўза етарли миқдорда озиқ моддаларини ололмайди. Демак, ғўза нормал ўсмайди, унинг ривожланиши анча кечикади.

Пахта майдонларига фосфор ўғитлар одатда ғўзапояни йиғиштириш ёки ерни ҳайдаш блан бир вақтда СУЗ ёрдами блан солинади. Айрим сабабларга биноан фосфор ўғити қўл блан ҳам солинади. Бунда ўғит арава ёки автомашиналардан белкурак ёрдамида сочилади. Бундай усул блан сепилган ўғит ҳамма ерга текис тушмайди ва бир гектар ерга солиниши лозим бўлган норма сақланмайди. Шу сабабли ғўза бир вақтда ҳосилга кирмайди. Суперфосфат солинган майдондаги ғўзалар тез ҳосилга киради, ўғит тушмаган майдонларда эса, ғўза бирнеча кун кечикиб етилади, натижада пахта йиғим-терими ўзилиб кетади.

Ўғит қўл блангина эмас, балки СУЗлар ёрдамида ерга солинганда ҳам кўп вақт текис тушмайди. Бунга СУЗдаги суперфосфат тушадиган тешикка ба'зан ўғитнинг тиқилиб қолиши сабаб бўлади.

Пахта майдонлари ҳайдаш олдидан самолёт блан ўғитланганда эса бундай камчиликларга йўл қўйилмайди. Бунда ўғит ерга текис тушади, демак ғўза яхши озиқланиб, нормал ривожланади ва пахта эрта пишади. Бу усулнинг иккинчи афзаллиги шундаки, бунда ўғит ташийдиган транспорт тахминан 75 процентга қисқаради. Самолёт ёрдами блан сепилиши лозим бўлган ўғит «Сельхозснаб»та ёки йўлга яқин жойда ташкил қилинган авиамайдонгагина ташилади. Масалан, Сирдар'ё районидаги 1-ичи МТС хизмат қиладиган колхозлар ўғитни Каганович номли колхознинг бостирмасига ташиб келтирадилар. Бу бостирма авиамайдон ёнида жойлашган бўлиб, «Сельхозснаб»дан атиги бир ярим километр масофада туради.

Ўғитнинг самолёт ёрдами блан сепилиши СУЗ ёки қўл блан солишга қараганда иқтисодий жиҳатдан ҳам анча фойдалидир. Ғўзапояни йиғиштириш вақтида СУЗ ёрдами блан ўғитланганда, ҳарбир гектарни ўғитлаш колхоз учун тахминан 37 сўмга тушади. Бунда ўғитни транспорт блан бригадаларга ташиш қийинчилигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Ўғит самолёт блан сепилганда эса, бир гектарга 30 сўм кетади, холос.

Ўғитни самолёт ёрдами блан сепишнинг афзалликларини тушунган Мирзачўл район колхозларининг раҳбарлари авиация хизматидан иланда белгиланганга қараганда ҳам кўпроқ фойдаланишга аҳд қилдилар. Масалан, районнинг 1-ичи МТС зонасидаги «Ленинизм» колхозида ерни самолёт ёрдами блан ўғитлаш плани 150 гектар мўлжаллангани ҳолда, колхоз самолёт ёрдами блан 300 гектар ерни ўғитлаб беришни илтимос қилмоқда. Сирдар'ё районидаги 1-ичи МТС Каганович номли колхозга самолёт блан 100 гектар ерни ўғитлаш планини берган эди, колхоз раиси ўртоқ Шодмонқулов буни 300 гектарга кўпайтиришни сўраб, шу миқдордаги ерни ўғитлаш тўғрисида шартнома тузди. Бошқа колхозларнинг раҳбарлари ҳам пахта майдонларини пландан ташқари авиация ёрдами блан ўғитлашни илтимос қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда ўғит сочучи АН—2 самолётлари Мирзачўл ва Сирдар'ё районларига келтирилган. Бу самолётлар ёрдамида бир кунда 80—90 гектар ерга ўғит сочилади.

Ўғитларни ёғингарчиликдан сақлаш учун уларни авиамайдонга яқин бўлган жойлардаги бостирмаларга тезроқ ташиб келтириш керак. Бу нарса самолётларнинг анча унумли ишлашини та'миндайди.

Д. КАСИМОВ,
Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашучи область отрядининг бош агрономи.

☆

Механизаторлар блан ҳамкорликда

Орджоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг азамат пахтакорлари механизаторлар блан ҳамкорликда ғайрат блан меҳнат қилиб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Улар ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, пахта далаларидаги қолган ҳосилни тезда йиғиб-теріб олиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланаётирлар.

МТСнинг колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Ю. Юсупов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари кўрак чувиш машиналарида ғайрат блан ишлаб, кўракни юқори сифатли қилиб чувимоқдалар. Илғор тракторчилардан Т. Маюсупов, А. Абдукаримов ва М. Қодиров ўртоқлар ўз агрегатлари блан кунига 10—15 тоннадан ошириб кўрак чувимоқдалар.

М. Комилова, М. Эргашева, К. Юсуфжонова каби теримчилар Узбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб, кунига 80—90 килограммдан ошириб кўрак тераётирлар.

Колхоз пахтакорлари пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан чиқарилган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатига жавобан тез кунда кузги-қишки ишларни тамомлаш учун астойдил курашаётирлар.

А. ЛАТИПОВ.

Пахта ҳосилини оширадиган агрономия усуллари

МИРЗАЧЎЛ (ЎзТАГ). Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг қишлоқ хўжалик Маданияти уйида агроном Камил Шайхисломовнинг Мирзачўл ерларида Г. С. Мальцев методини қўлланиш натижалари тўғрисидаги лекцияси бўлиб ўтди.

Лектор Мирзачўлнинг шўри ювилган ерларида синаб кўрилган янги агротехника усули яхши натижалар берганлигини кўрсатадиган ма'лумотлар келтирди. Ўтган йили «Октябрь» колхозининг а'золари участкалардан бирида ерни отвалсиз плуглар блан 40 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйдилар. Кўклам пайтида бу дала чизельланди, бороналанди ва шундан кейин унга чигит экилди. Бу йил шу участкада ҳар гектардан одатдагича чигит экилган участкалардагига қараганда тўрт центнер кўпроқ ҳосил олинди.

Тажриба—Мирзачўл шароитида тупроқни ағдармасдан ер ҳайдаш яхши натижа берганлигини, тупроқнинг структураси сақланиб қолишини, шўри ювилган ер қатламининг пастга силжиб кетмаслигини, шўр босган қуйи қатламнинг эса ер бетига чиқмаслигини кўрсатди. Бундан ташқари далаларни текислаш зарурияти бўлмайди, ҳолбуки бу ишни бажариш учун ҳар гектарга 20 дан ортиқ меҳнат куни сарфланади.

Василевский номли ва «Коммуна» колхозларида Мальцев методини синаш вақтида ҳам шу хил натижалар олинган.

Мирзачўл район колхозлари шу йилнинг ўзидаёқ пахта экиш учун ажратилган бутун пахта майдонининг ўн процентида ерни отвалсиз плуглар блан ҳайдаб қўядилар.

Ўзбек адабиёти тарихини сохталаштиришга қарши

Эртага Москва шаҳрида очиладиган совет ёзувчиларининг II с'езди мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлади. Бу с'езд кўпмиллатли совет адабиёти ва адабиётшунослигининг сўнгги 20 йил мобайнидаги ютуқ ва камчиликларини кенг муҳокама қилиб, унинг бундан кейинги тараққиёт йўлини ҳам белгилаб беради. Шу муносабат блан республикамиз адабиётшунослиги учун муҳим бўлган айрим масалалар тўғрисида мулоҳазалар юритмоқ ўринлидир.

Ўзбек халқи, иттифоқимиздаги бошқа қардош халқлар сингари, совет маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшди ва қўшмоқда. Унинг жуда қадимий ва бой адабиёти, маданияти тарихига доир проблемаларни марксизм-ленинизм та'лимоти асосида ёритиш совет адабиётшунослигининг муҳим вазифасидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг идеология соҳасида чиқарган тарихий қарорларидан сўнг республикамизда бирқанча ютуқлар қўлга киритилди. Олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларида ўзбек классик ва совет адабиётининг тарихий тараққиёт процессини очиб беручи илмий мақолалар, диссертация ишлари, брошюралар ва ўрта мактаблар учун дарсликлар ёзиш бирмунча йўлга қўйилди. Адабиётшунослигимиз сўнгги 7—8 йил ичида Ю. Султоновнинг ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода, С. Азимовнинг бахт қуйчиси Ҳ. Олимжон, Ҳ. Ёқубовнинг талантли шоиримиз Ғ. Ғулом ҳаёти ва адабий фаолияти тўғрисидаги монографиялари, Х. Расулов, Ҳ. Раззоқов, Т. Собиров, Т. Абдусаматов, О. Икромов, Т. Абдужабборов, Ш. Абдуллаева ва И. Боролиналарнинг шоир Фурқат, Завқий, А. Умарий ижоди, А. Қаҳҳорнинг ҳикоялари ҳақида ҳамда ўзбек совет прозаси ва драматургиясининг ба'зи масалаларига доир кандидатлик диссертациялари блан бойиди. Узбекистон ССР Фанлар академияси тил-адабиёт институти «Садриддин Айний», «Зулфия», «Ойдин Собирова», «Зафар Диёр» номли қатор танқидий-биографик очерклари нашр этди. Республикамизда қобилиятли ёш адабиётшунос кадрларнинг йил сайин кўплаб етишиб чиқаётганлиги қувончли ходиса-дир. Бироқ адабиётшунослигимиздаги бу дастлабки ютуқлар ҳали жуда оз, ўсиб бораётган талабларга жавоб бераолмайди.

Партиямизнинг XIX с'езди қарорлари халқ хўжалигимизнинг бундан кейинги тараққиёти учун зарур бўлган юқори малакали ва маданиятли кадрларни кўплаб етиштириш вазифасини қўйди. Идеологик тарбияни, мактаб, маориф ишларини ва илмий-текшириш ишларини тўбдан яхшиламасдан туриб, бу мас'улиятли ва шарафли вазифани бажариш қийин. Ўзбекистондаги адабиётшунос-танқидчи кадрларимизнинг қилаётган ишларини қониқарли деёиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Ўрта ва олий ўқув юртлари учун стабил дарсликлар ёзишда йўл қўйилган айрим камчиликлар, ўзбек классик ва совет адабиётининг тараққиётига доир капитал илмий-текшириш ишларининг йўқлиги бунга далилдир.

Ма'лумки, адабиёт тарихи ҳақида қатторо илмий асар ёзиш ва стабил дарсликлар яратиш учун биринчи галда айрим ўзбек шоир ва ёзувчилари ижоди ҳақидаги ҳамда адабиётимиз тараққиётининг турли масалаларига доир илмий-текшириш ишларини кенг кўламда олиб бориш зарур. Бизда ҳали А. Навоий, Фурқат, Ҳамза, Ҳ. Олимжон тўғрисидаги айрим илмий асарларни ҳисобга олмаганда, ўзбек адабиётининг йирик намояндалари ҳақида лурустроқ илмий асарлар йўқ. Қайси дарслик, хрестоматия ёки брошюрани олманг, унда кўпинча Лутфий, Атоий, Саккокий, Турдий, Маҳмур, Гулханий, Муқимий ва ҳатто отоқли ўзбек совет ёзувчилари ҳақида бир қолипдаги умумий гапларни ўқийсиз.

Дарслик ёзувчи авторларимиз, хрестоматия тузувчилар ва «Танланган асарлар»га сўзбоши ёзувчи ба'зи адабиётшуносларимиз кўпинча ана шу «биринчи манба'»даги фикрни ҳеч бир танқидий қарашсиз фойдаланиш блан чекланадилар. Айрим ёзувчилар ҳақидаги монографияларни ва адабиётга доир илмий проблемаларга бағишлаб ёзилган диссертацион ишларни нашр этдириш ҳалигача йўлга қўйилмаган.

Ўртоқ А. А. Фадеев Озарбайжон адабиёти тарихини ўрганиш масалалари ҳақида гапириб, шундай деган эди: «Ба'зи ўртоқлар ўтмишдаги ёзувчилар ижодига танқидий ёндошмайдилар. Уларнинг ҳаммасини бир хилда—гуманист, ватанпарвар ва буюк кишилар сифатида баҳолайдилар».

Ўртоқ Фадеевнинг бу сўзлари буюк ўзбек шоири Навоий, шунингдек Турдий, Машраб, Маҳмур, Гулханий, Муқимий, Фурқатларнинг ҳаёти ҳамда адабий фаолиятини ўрганиш блан шуғулланган айрим адабиётшуослар учун ҳам характерлидир.

Фактларга мурожаат қилайлиқ.

Ўзбек адабиёти тарихида йирик масалчи сифатида солмоқли ўрин тутган Гулханий ҳақида Ҳ. Зуннуновнинг «Ўқиғучилар газетаси»да босилиб чиққан мақоласида «Айрим ма'лумотларга (?) қараганда Гулханий қоратегинли бўлиб, Кўқонга келиб қолди. Бу ерда ҳаёт йўлини ҳаммомда гўлахликдан бошлайди. Унинг адабий тахаллусининг Гулханий аталиш сабаби ҳам гўлахда ишлаганидандир» дейилади. «Ўзбек адабиёти тарихи» (Р. Каримов таҳрири остида) дарслигида ҳам ана шу жумлалар такрорланади. «Ўзбек поэзияси антологияси»ни тузувчилар ҳам, «Узбекистон халқлари тарихи» авторлари ҳам, бу китобга рецензия ёзган ўртоқ М. Шевердин ҳам, 1951 йилда ўзбек адабиётининг Москвада бўлиб ўтган декадаси муносабати блан Узбекистон ССР Фанлар академияси томонидан нашр этдирилган «Гулханий» тўпламида ҳам шу фикр турли шаклларда такрорланади.

Гулханий ўз ҳаётининг ма'лум даврида Умархон саройида яшаган, бошқа сарой шоирлари қаторида хон ша'нига мад'ҳиялар (жумладан, 1811 йилда ёзган қасидаси, «бири» радифи блан туговчи ғазали) айтган, бунинг бадалига шоҳдан озмиқўпми моддий ёрдам ҳам олган шоир эди. Ўз умрининг сўнгги пайтларида эса у, қатор ше'рлари ва «Зарбулмасал» номли машҳур наврий асарига кирган «Туя блан бўталоқ», «Тошбақа блан чаён», «Маймун блан наҳжор» масалларида, ўша замон социал ҳаётидаги ба'зи салбий томонларни об'ектив равишда зўр маҳорат блан сатира остига олган масалчи сифатида шуҳрат қозонди. Адабиётшунос Р. Шаропов шоир Гулханий лирикасини анализ қилар экан, «Гулханий Умархон саройида хизмат қилишига қарамай, Умархон ва саройи аҳлидан қора чақаликча ҳам манфаат кўрмади. Буни тожик тилида Жур'ат таҳаллуси блан ёзган «ангушта» радифли ше'рида «ҳеч кимдан қўрқмай жасорат блан очиқ айтади» (бет 173) дейди. Р. Шаропов Гулханий ше'рининг қуйидаги:

«Ба иззу давлати султон Умар пошоҳи, дар аҳдаш,
Ба фарқам тожи иқбол аст чун пошоҳ бар ангуштам»

мисра'ларини мисол келтириб, бу байт мазмунини «Султон Умар шарафи ва давлатида бошимдаги иқбол тожи бармоғим учидаги тирноқ бўлди» шаклида нотўғри изоҳлайди. Ўртоқ Шароповнинг сўзларига ишонсак, Гулханий шоҳ саройида яшаб туриб, шоҳлик салтанатини кескин танқид остига олган демократ шоир бўлиб кўринади.

Ҳақиқатда эса бу—шоир ше'рининг мазмунини янглиш тушунтириш йўли блан Гулханий ижодини онгли равишда идеаллаштиришдан бўлак нарса эмас. Ҳақиқатда эса бу юқоридаги икки мисра'да шоирнинг шоҳни мақташ мақсадида «Мен Умар Султоннинг давлати блан фахрланаман, чунки унинг даргоҳида иқбол тожи менинг бошимга бармоғим этидан ажратиш қийин бўлган тирноқ каби маҳкам қўндирилгандир», — деганини англаш қийин эмас.

Шу мақоланинг бошқа бир жойида Р. Шаропов Гулханийнинг тоғлиқ Дарвоз шевасига хос тилда ёзган «бергил» радифли ше'ридаги:

«Гулханиро ай қатўри баччамардон, кам мадон,
Футаву шофам бидеҳ, аспам бидеҳ, тўнам бидеҳ.

байтини

«Гулханийни, эй қўтир, мардлардан кам дема,
Белбоғу тўпу қилич бер, от ҳам қалқон бер»

мазмунида таржима қилади ва «Бу аҳволга чидай олмаган шоир навкарларни қурол ва кийим-кечак блан та'минловчи ҳарбий бошлиқни «қўтирвачча» дейишгача бориб етади» дейди. Юқоридаги ше'рий мисра'ларни бундай таржима ва изоҳ қилиш кулгилидир. Чунки бу мисолда ҳеч-қандай «қўтирвачча» ҳақида сўз бораётгани йўқ. Р. Шаропов тожикча «ай қатўри» («қаторидан» ма'носидаги) иборасини ё атайн, ёки саводсизлиги туфайли «эй, қўтирвачча» шаклида ўқиган, бунинг устига оригиналда йўқ «ҳарбий бошлиқ»ни ўйлаб топиб, қўтирваччалик сифатини унга таққан, холос.

Гулханий ижодидаги демократик тенденцияни зўрма-зўракилик блан бўртдириш мақсадида унинг «гўлахда яшаганлиги» ҳақидаги ўйдирма блан исбот қилишга урунишнинг ҳеч-қандай ҳожати йўқ. Шоир Гулханий ҳақида «Мазмунлар таф'ирларо»да қуйидагиларни ўқиймиз:

Хушо Гулхани шоири пурфанаст,
Чи гулхан, ки заботар аз гулшанаст.
Ки девонаҳўйю оташфани,
Тахаллус ниҳода ба ҳуд Гулханий.

Мазмуни: «Гулханий кўп нарсани билучи шоирдир. У, гулхандангина эмас, гулшандан ҳам гўзалроқдир. Оташин таб'лигидан ва девона фе'ллигидан ўзига Гулханий тахаллуси қўйгандир».

Демак, Гулханийнинг «ҳаммом гўлахида ишлаганлиги, шунинг учун Гулханий тахаллус қўйганлиги» тўғрисидаги фикрларни ҳали аниқлаш талаб этилади. Гулханийнинг XIX аср ўзбек адабиётидаги хизмати унинг гўлахда ҳаёт кечирганлиги блан эмас, балки ўзи яшаган феодализм жамияти шароити учун илғор ғояларни олға сурганлиги блан, масал ва сатира жанрини ривожлантиришдаги роли блан белгиланади.

Ўзбек классик адабиёти намояндаларининг ҳаёт йўллари, ижодини бема'ни уйдирмалар блан сохталаштириш, уларнинг ижодида яққол кўзга ташланучи илғор мотивларни уларнинг меҳнаткаш халқ табақасига мансублигидангина қидиришнинг бошқача кўринишлари ҳам бор. Бу жиҳатдан айрим навоийшуносларимизнинг «ихтиро'»си диққатга сазовордир.

Филология фанлари кандидати И. Султонов томонидан «тубли равишда қайтадан ишлаб чиқилиб», 1948 йилда нашр этдирилган О. Шарафутдиновнинг «Алишер Навоий» китобида тубандагиларни ўқиймиз: «Шуни ҳам қайд этиш керакки, «Бобирнома»да айтилишича, Алишер «бекий эмас эди» я'ни бекзодалардан эмас эди, оддий халқдан чиқиб, амалдорликка эришган кишининг фарзанди эди. Демак вазирликка «номуносиб» «уруғдан эди».

Бундан чиқадики, А. Навоийнинг кучли ма'рифатли монархияни орзу қилиши, ўз замондошларини зўр бериб халқпарвар ва адолатли бўлишга да'ват этишининг сабаби унинг ўша замон феодализми шароитида илғор ғоялар блан қуролланиб, қора кучларга қарши курашганида эмас, балки «вазирликка номуносиб уруғдан»лигида» экан-да? Бу тўғридаги ҳақиқатни англамоқ учун «Бобирнома»нинг ўзига мурожаат қилиш кифоя. Заҳириддин Бобир «Бобирнома»да Ҳусайн Бойқоранинг саройи, амирлари ҳақида сўз юритар экан, «Яна Алишербек Навоий эрди. Беги (Ҳусайн Бойқоронинг — Р. М.) эмас эрди, балки мусоҳиби эрди. Кичиклиқда ҳаммактаб эканлар» деб ёзади. (З. Бобир, «Бобирнома», 1 қисм, бет 139, 1948 й, Тошкент).

Кўрниб туриптики, Заҳириддин Бобир Алишер Навоийнинг бекзодалара мансуб эмаслигини қайд қилмоқчи бўлган эмас. Бобир Навоийни Ҳусайн Бойқора томонидан бирон жойга расмий равишда тайинланган беги (амалдори) эмас эди, суҳбатдоши, ёшлиқда бирга таҳсил олган мактабдоши-дўсти эди деган ма'нони кўзда тутган. И. Султонов бу масалани нотўғри изоҳлаб, чалкаштириб юборган, А. Навоийни китобхонни кўзига ғам-кўтсиз қилиб кўрсатишга, унинг ижодидаги прогрессив томонни ғайри-илмий йўсинда бўртдиришга уринган. Ваҳоланки, А. Навоий адабиётшуносларнинг қалбакичиликдан иборат бундай «кўмаги»га муҳтож эмас. Навоий, шундайлигича ҳам ўзининг XV аср феодализми шароитидаги прогрессив қарашлари блан, жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб асарлари блан буюкдир.

Ўзбек адабиётининг классик шоири А. Навоий, шунингдек Гулханий ва Маҳмурлар, шубҳасиз, ўзлари яшаган даврнинг прогрессив мафкурали илғор кишилари эдилар. Ўзбек адабиёти тарихида поэзия, бадиий проза ва сатира жанрини тараққий этдиринда уларнинг хизматлари жуда катта. Бироқ, шунга қарамай Навоий, Гулханий ва Маҳмурларнинг ҳаёти ва адабий фаолиятини текшириш вақтида уларнинг поэтик ижодидаги ба'зи бўш томонларни ва қарама-қарши мотивларни четлаб ўтиш ярамайди. Уларнинг ижодидаги ўша тарихий даврлар блан характерланучи халқчиллиқни Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар сингари демократ шоирларимиз ижодидаги халқчиллик блан аралаштириб юбориш мутлақо тўғри эмас.

Ўзбек адабиёти тарихига оид актуал проблемаларни, жумладан Навоий, Турдий, Гулханий, Маҳмур, Муқимий каби шоирлар ижодини марксизм-ленинизм та'лимоти асосида, улар яшаган тарихий даврнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари кўламида танқидий ўрганиш зарур.

Раҳим МУҚИМОВ,
филология фанлари кандидати.

БКП МҚ ВА БОЛГАРИЯ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БИРЛАШГАН МАЖЛИСИ

СОФИЯ, 12 декабрь. (ТАСС). 10—11 декабрьда Болгария Коммунистик партияси Марказий комитети ва Болгария Министрлар советининг округ партия комитетларининг биринчи секретарьлари ва округ халқ советларининг раислари иштироки блан бўлган бирлашган мажлиси ҳақидаги ахборот бугун э'лон қилинди.

БКП МК ва Министрлар советининг бирлашган мажлиси Москва кенгашининг иши ҳақидаги ҳамда бу кенгашнинг Европада тинчлик ва коллектив хавфсизлик учун бўлган аҳамияти тўғрисида Антон Юговнинг докладини эшитди ва қарор қилди, бу қарорда кенгашнинг ишини ҳамда Болгария ҳукумат делегациясининг ишини яқдиллик блан ма'қуллади, шунингдек Кенгаш Декларациясини тамомила қўллаб-қувватлади.

Москва Кенгашининг Декларацияси, дейилади БКП МК ва Министрлар совети бирлашган мажлисининг қарорида, барча халқларнинг туб манфаатларини ифода қилади, герман милитаризмининг тикланиши муносабати блан уларнинг қонуний ташвишини ифода қилади, уларнинг Европада ва бутун дун'ёда тинчликни сақлашга ва хавфсизликни та'минлашга бўлган иродасини ифода қилади.

БКП МК ва Министрлар совети, дейилади қарорда, Москва Кенгашининг қарорларини кенг равишда тушунтириш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар, халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик учун биргаликда олиб бораётган курашида бу қарорлар бутун болгар халқининг жонажон иши бўлиб қолиши учун бор кучларини сарф қиладилар.

Бирлашган мажлис 1955 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақида давлат план комиссияси тақдим этган план проекти тўғрисида Георгий Чанковнинг докладини эшитди ва муҳокама қилди, бу проектнинг асосий қоидаларини ма'қуллаб, уни Болгария Халқ мажлиси тасдиқига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ПРАГА, 12 декабрь. (ТАСС). Янги Миллат мажлиси сайланганлиги муносабати блан Чехословакия Республикаси ҳукумати бугун исте'фо бергانлиги тўғрисидаги аризани республика президентига топширди.

Республика президенти ҳукуматнинг исте'фосини қабул қилди ва Вильям Широкийни янги ҳукуматнинг бош министри қилиб тайинлади. Вильям Широкийнинг таклифига мувофиқ, республика президенти янги ҳукуматни қуйидаги составда тасдиқлади:

Яромир Доланский— бош министрнинг биринчи ўринбосари, Алексей Чепичка— бош министрнинг биринчи ўринбосари ва миллий мудофаа министри, Вацлав Копецкий—бош министр ўринбосари, Людмила Янковцова—бош министр ўринбосари, Вацлав Шкода—бош министр ўринбосари, Рудольф Барак—ички ишлар министри, Отакар Шимунек—давлат план бошқармасининг министр-раиси, Йозеф Бисели—маҳаллий саноат министри, Йозеф Плойгар—соғлиқни сақлаш министри, Эмануил Шлехта—қурилиш министри, Вацлав Давид—тащқи ишлар министри, Юлиус Дюриш—молия министри ва ҳоказо.

12 декабрьда Прага кремлида ҳукумат а'золари республика президенти ҳузурида қасам'ёд қилдилар.

ЮНЕСКО саккизинчи бош конференцияси ўз ишини тамомлади

МОНТЕВИДЕО, 11 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари ташкилоти (ЮНЕСКО) нинг саккизинчи бош конференцияси 10 декабрьда ўз ишини тамомлади. Конференциянинг кечки мажлисида ЮНЕСКО ижроия кенгашида рус тилидан иш юритиш тили сифатида фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди. Илгари конференция рус тилини ЮНЕСКО бош конференцияларининг иш юритиш тили деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Ҳиндистон делегациясининг рус тилидан ижроия кенгашининг иш юритиш тили сифатида фойдаланишни кўзда тутучи резолюция проектини Чили ва Бирма вакиллари ёқлаб чиқдилар. Овозга қўйиш вақтида ҳинд делегациясининг проектини ёқлаб 25 овоз, қаршисига 17 овоз берилди, холис қолганлар 14 та бўлди. Шундай қилиб, рус тилидан ЮНЕСКО ижроия кенгашининг иш юритиш тили сифатида фойдаланилалиган бўлди.

Конференция программа ва бюджет масалалари комитети тақдим этган докладни ма'қуллади. ЮНЕСКОни универсал ташкилотга айлантириш зарурлиги тўғрисидаги, ЮНЕСКО нинг 1956 йилда Деҳлида бўладиган тўққизинчи бош конференциясини ташкил қилиш ва унинг иш методлари ҳақидаги масалаларни кўриб чиқди. Ялпи мажлисда а'зо давлатларнинг докладлари комитетига, консультатив комитетга ҳамда программа ва бюджет масалалари комитетига а'золар сайланди.

Австриядаги «Белер-верке» заводининг забастовка қилган хизматчилари ғалаба қозонди

ВЕНА, 10 декабрь. (ТАСС). Матбуотнинг хабар беришича қараганда, Австриядаги энг катта металлургия заводларидан бири бўлган «Белер-верке» заводи хизматчиларининг 5 кун давом қилган забастовкаси забастовкачиларнинг ғалабаси блан тугади. Завод ма'мурияти хизматчиларнинг ишҳақини ошириш тўғрисидаги талабини қондиришга мажбур бўлди.

Жаҳон Касаба союзлари федерацияси Бош кенгашининг Европа меҳнаткашларига хитобномаси

ВАРШАВА, 11 декабрь. (ТАСС), Жаҳон Касаба союзлари Федерацияси Бош кенгаши 7-нчи сессиясининг делегатлари кеча кечки мажлисда Европадаги эркак ва хотин-қиз меҳнаткашларга қарата яқдиллик блан хитобнома қабул қилдилар. Хитобномада бундай дейилади:

«Европадаги эркак ва хотин-қиз меҳнаткашлар, касаба союзларининг а'золари ва активлари!

Уруш кучлари халқлар тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид қилаётган жуда мас'улиятли ҳозирги пайтда Жаҳон Касаба союзлари Федерациясининг Бош кенгаши барча меҳнат аҳлига мурожаат этишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.

Қадрли ўртоқлар!

Ҳозирги пайтда Европа хавфсизлиги ва бутун дун'ёда тинчлик жиддий хавф остида қолди. «Европа мудофаа бирлашмаси» барбод бўлганидан кейин АҚШ, Англия, Франция, Ғарбий Германия ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари герман милитаризмини қайтадан тиклашга, атом қуролига эга бўлган ва ҳарбий жиноятчи гитлерчи генераллардан иборат бош штаб бошчилик қиладиган агрессив армияни вужудга келтиришга қаратилган Париж битимларини туздилар. Ҳозирги аҳволнинг муҳиш фактлари ана шундай.

Қадрли ўртоқлар!

Париж битимларининг қатнашчилари бу битимлар музокаралар олиб боришга ёрдам беради ва халқаро кескинликни юмшатиш учун имконият туғдиради, деб да'во қилмоқдалар, Аксинча, Париж битимлари зўр бериб қуролланишни кучайтириб юборажаги ҳаммага аёндир. Бу битимларнинг ратификация қилиниши ва амалга оширилиши мислсиз машаққатларга сабаб бўлади ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасига, ишқаҳига ҳамда социал ютуқларига янада қаттиқ ҳужум қилинишига олиб келади.

Лондон ва Париж битимлари тўп савдогарларининг битимларидир. Зўр бериб қуролланиш АҚШ, Ғарбий Германия, Буюк Британия ва Франция монополиячиларигагина фойдалидир. Монополиялар меҳнаткашларнинг қашшоқлигини кучайтириш ҳисобига ремилитаризация йўли блан янада кўпроқ фойда олмоқчи бўладилар. Улар герман милитаризмини қайтадан тиклаш блан Ғарбий Германияда ва Европада сизнинг ҳуқуқларингизни ва сизнинг касаба союз ташкилотларингизни йўқ қиладиган антидемократик диктаторлик режимларини ўрнатиш учун йўл очиб беришга уринмоқдалар.

Бутун Германиядаги эркак ва хотин-қиз меҳнаткашлар, касаба союз активлари!

Биз герман милитаризмининг қайтадан тикланишига Германиянинг шарқида ҳам, ғарбида ҳам ўз касаба союзлари блан биргаликда қарши чиқаётган миллионмиллион немисларни қизғин табриклаймиз. Биз сизларни қуйидагиларни бажаришга да'ват этамиз: ўз сафларингизнинг бузулишига йўл қўймангиз. Бирликни мустаҳкамлангиз ва ўз юртингизда милитаризмнинг қайтадан тикланишига қарши, Париж битимларига қарши, Германиянинг демократик асосларда тинч йўл блан бирлаштирилиши учун ака-укалардек бўлиб курашингиз. Париж битимларининг ратификация қилинишига йўл қўймангиз. Агар милитаризм устун келиб янги уруш оловини ёқиб юборса, у вақтда сиз бу урушнинг биринчи қурбони бўласиз. Сиз тўп емига айлантирилассиз, сизнинг мамлакатингиз эса йўқ қилинишига маҳкум бўлади.

Франциядаги эркак ва хотин-қиз меҳнаткашлар!

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қаҳрамонлари берган қурбонларнинг беқорга кетишига йўл қўймангиз. Француз халқининг мардона кураши герман вермахтини тиклаш йўлида қилинган бир уринишни барбод этган эди. Париж битимларининг ратификация қилинишига асло йўл қўймангиз! Сизнинг шарқий чегарангизда бу сафар атом тўплари блан қуролланган герман дивизиялари хавфининг яна пайдо бўлишига йўл қўймангиз!

Буюк Британиянинг эркак ва хотин-қиз ишчилари!

Ёлғон гапларга учмангиз, сўнгги уруш қатнашчиларининг фашист ёвларга қарши олиб борилган жангларда тўккан қони беқорга тўкилган бўлиб чиқишига йўл қўймангиз. Герман милитаристларининг илгари Ковентри бошига тушган кулфатларга Англия шаҳарларини дучор қилиш блан яна таҳдид қилишларига йўл қўймангиз! Ўз Ватанингиз мустақиллигини ва истиқболини герман милитаризми хавфидан ҳимоя қилингиз. Тинчлик ва барча миллатлар ўртасида дўстона ҳамкорлик учун курашни кучайтирингиз!

Бутун Европадаги эркак ва хотин-қиз меҳнаткашлар!

Ҳалок бўлганларни, бомбалар блан вайрон қилинган шаҳарларни, қийноқ камераларини, ажал печьларини эсимиздан чиқармайлик! Жаллодларнинг яна қуроллантирилишига, уларнинг қўлига атом қуроли берилишига йўл қўймангиз! Ўз ҳаётингиз ва яқин кишиларингиз ҳаётининг, Европадаги моддий ва маданий бойликлар тақдирининг инсониятга қарши бениҳоя кўп жиноятлар қилган немис милитаристлари қўлига тушиб қолишига йўл қўймангиз.

Меҳнаткашлар биргаликда зўр бериб ҳаракат қилсалар, уруш оловини ёқучиларнинг йўлини ўтиб бўлмайдиган ғовлар блан тўсиб қўйишга қодирлирлар. Қардошларча бирдамлик алоқаларини мустаҳкамлангиз. «Озод касаба союзлари халқаро конференцияси»га кирган Ғарбий Германия касаба союзларининг ҳамда Жаҳон Касаба союзлари Федерациясига қўшилган Шарқий Германия касаба союзларининг герман милитаризмининг тикланишига душманлик блан қаратаётганликлари бу курашда миллий ва халқаро миқ'ёсда касаба союз ташкилотлари ўртасида жуда кенг ҳаракат бирлигини ўрнатишга эришиш мумкинлигини исбот этадиган ёрқин далил бўлади.

Вермахтни қайтадан тиклаш планларини барбод қилингиз!

Норозилик йиғилишлари, митинглари ва намойишларини уюштирингиз. Варақа ва петициялар тарқатингиз, Париж битимларининг рад этилишини талаб қилиб, парламентларга ва ҳукуматларга делегациялар юборингиз. Тинчлик тақдири сизга, сизнинг курашингизга боғлиқдир.

Ҳамма давлатлар, улардаги ижтимоий тузумнинг қандай бўлишидан қат'ий назар тотув яшайоладилар. Тотув яшаш учун курашингиз! Тотув яшаш қуролсизланишга ва ҳарбий харажатлар оғирлигини камайтиришга йўл очиб беради. Тотув яшаш иқтисодий ва социал тараққиётни ҳамда барча халқлар фаровонлигининг анча юксалишини та'минлайди.

Умумевропа коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришни талаб қилингиз!

Ғарб блан шарқ ўртасида эркин иқтисодий ҳамкорлик бўлишини талаб қилингиз! Халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлангиз!

Сизлар курашда бирлашиб, енгилмас куч бўласиз. Париж битимларига ва уларнинг оқибатларига қарши, Европада яхши ҳаёт учун, Европа хавфсизлиги учун, бутун дун'ёда тинчлик учун адолатли кураш йўлида сафларингизни жипслаштирингиз.

Жаҳон Касаба союзлари Федерацияси Бош кенгаши.

Варшава, 1954 йил 10 декабрь».

ЖКСФ Бош кенгашининг сессиясида

ВАРШАВА, 11 декабрь. (ТАСС). Бугун кундузги мажлисда Луи Сайян доклади юзасидан музокаралар давом этди. Биринчи бўлиб Вьетнам Умуммеҳнат конфедерациясининг делегати Нгуен Дай Тинь гапирди. У, Вьетнам халқи ЖКСФнинг тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда меҳнаткашларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини тамомила қўллаб-қувватлайди, деб уқтириб ўтди.

Бавария металлистлари касаба союзининг вакили Ғарбий Германиядаги корхоналарда забастовка ҳаракати кучайиб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Корея касаба союзларининг делегати Ли Чон Су республикада халқ хўжалигини ривожлантириш учйиллик планини тўла ва ошириб бажариш йўлидаги оммавий ватанпарварлик ҳаракати кучайиб бораётганлиги тўғрисида сўзлади. Меҳнат соҳасидаги ғалабаларга эришилганлиги натижасида ҚХДРда кенг исте'мол молларининг нархлари учинчи марта камайтирилди. Меҳнаткашларнинг реал ишҳақи 1953 йилдаги даражадан икки баравардан зиёд ортди. Корея делегати ўз мамлакатининг халқи қардош Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Европадаги халқ демократияси мамлакатлари халқларидан катта ёрдам олаётганлиги тўғрисида гапиради. Ли Чон Су ўз нутқининг охирида ЖКСФни ва барча мамлакатларнинг меҳнаткашларини Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш учун манфаатдор мамлакатларнинг халқаро кенгашини ўтказишга ёрдам беришга чақирди.

Эрталабки мажлисда металлургия ва машинасозлик саноати меҳнаткашлари касаба союзлари халқаро бирлашмаси, Халқаро ўқитучилар федерациясининг вакиллари ва бошқа делегатлар ҳам сўзладилар.

ВАРШАВА, 11 декабрь. (ТАСС). Жаҳон касаба союзлари федерацияси бош кенгаши сессиясининг бугун кечки мажлисида Луи Сайян доклади юзасидан музокаралар тамом бўлди.

Музокаларда 30 дан ортиқ делегат сўзлади. Европа, Осиё, Америка ва Африкадаги турли мамлакат касаба союзларининг вакиллари герман милитаризмини қайтадан тиклаш ва Европада урушнинг хавфли ўчоғини вужудга келтириш йўлидаги уринишларга қарши, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда меҳнаткашларнинг биргалашиб ҳаракат қилишини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қат'ий қарор бергانликларини билдирдилар.

Делегатлар тинчлик учун, турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун, касаба союз ҳуқуқлари ва демократик эркинликларни ҳимоя қилиш ҳамда бундай ҳуқуқларни қўлга киритиш учун курашни кучайтириш зарурлигини та'кидладилар.

Мажлисда Луи Сайян охирги сўзини айтди. Сессия эртага ўз ишини давом эттиради.

ВАРШАВА, 12 декабрь. (ТАСС). Жаҳон касаба союзлари федерацияси бош кенгаши 7-нчи сессиясининг бугун эрталабки мажлисида кун тартибидаги иккинчи масала, я'ни меҳнаткашларнинг касаба союз ҳуқуқлари хартияси ва касаба союз ҳамда демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва бундай ҳуқуқларни курашиб қўлга киритиш йўлидаги халқаро кампания масаласи муҳокама қилинабошлади. ЖКСФ раиси Джузеппе ди Витторио бу масала юзасидан доклад қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

МАХСУС СИЕСИЙ ҚОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 10 декабр. **(ТАСС махсус мухбири).** 9 декабрьда Махсус сиёсий комитет СССР делегацияси томонидан киритилган масалани, я'ни «Хитой Халқ Республикасига қарши қилинаётган агрессия ҳаракатлари тўғрисида ва бу ҳаракатлар учун АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг жавобгар эканлиги тўғрисида» деган масалани муҳокама қилишга киришди.

Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев сўзга чиқиб айтики, Кореядаги уруш тўхтатилганлиги ва Ҳинди-Хотойда тинчлик ўрнатилганлиги натижасида ҳал қилинмаган халқаро проблемаларни бартараф қилиш учун ва халқаро вазиятдаги кескинликни янада камайтириш учун қулай шароит вужудга келди. Хитойнинг суверен ҳуқуқларини ва халқаро битимларни бузган ҳолда АҚШнинг қуролли кучлари томонидан зўрлик блан босиб олинган ва АҚШнинг ҳали ҳам ҳарбий контроли остида қолаётган Тайвань ороли проблемаси мана шундай энг муҳим проблемаларнинг биридир.

Совет делегацияси Хитой Халқ Республикасига қарши қилинаётган агрессив ҳаракатлар ҳақидаги ва бу ҳаракатлар учун АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг жавобгар эканлиги тўғрисидаги масалани Бош Ассамблея муҳокамасига қўйганида, — деди Соболев, — Тайвань ороли ва Хитой денгизлари районидаги аҳвол кейинги вақтларда яхшиланиши уёқда турсин, аксинча, Хитой Халқ Республикасига қарши агрессия ҳаракатлари қилиш кўпайганлиги сабабли кескинлашиб кетганлигини назарда тутган эди.

Совет делегати уқтириб айтдики, АҚШнинг агрессив ҳаракатлари Узоқ Шарқдаги вазиятни янада кўпроқ кескинлаштириш ва тинчликсевар давлатларнинг ташаббуси блан ўтказилаётган ҳамда халқаро кескинликни камайтиришга қаратилган тадбирларнинг аҳамиятини камайтириш мақсадларини кўзда тутади. Совет делегацияси шуни талаб қиладики, — деди правардида Соболев, —Бош Ассамблея Хитой Халқ Республикасига қарши шу тахлитда бўлаётган ва Узоқ Шарқда тинчликни сақлашни хавф остида қолдираётган агрессив ҳаракатлардан кўз юмиши мумкин эмас ва бу ҳаракатларни умумий тинчликни ҳамда хавфсизликни сақлаш вазифаларига асло тўғри келмайдиган ҳаракатлар деб, БМТ нинг тинчликсеварлик принципларига асло тўғри келмайдиган ҳаракатлар деб қоралаши лозим. Бош Ассамблея шу районда рўй берган аҳвол учун жавобгар бўлган АҚШ ҳукуматини Хитой Халқ Республикасига қарши қилинаётган агрессив ҳаракатларни тўхтатиш учун зарур чораларни кўришга чақириши лозим.

Совет делегати комитет муҳокама қилаётган масала бўйича резолюция проекти тақдим қилди.

Сўнгра АҚШ вакили Джексон сўзга чиқиб, совет вакили томонидан келтирилган конкрет фактларни, я'ни Хитой Халқ Республикасига қарши АҚШнинг қуролли кучлари томонидан уларнинг ёрдами блан қилинаётган агрессив ҳаракатларни кўрсатучи конкрет фактларни, рад қилаолмади.

Америка Қўшма Штатлари Бирлашган Миллатларни Хитойга қарши душманчилик кампаниясига тортмоқда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида кеча Американинг шикояти, я'ни Хитой Халқ Республикаси олий халқ суди ҳарбий трибунали бир группа америка жосусларини қоралаб ҳукм чиқарганлиги тўғрисидаги Америка шикояти муҳокама қилиниб бўлди.

Дискуссия вақтида СССР, Польша, Чехословакия, Украина ССР, Белоруссия ССР вакилларининг нутқларида бу шикоятнинг тамомила асоссиз эканлиги, АҚШ делегациясининг БМТни Хитой Халқ Республикасининг ички ишларига аралашишга тортмоқчи бўлиб уринаётганлиги, унинг суверенитетига қасд қилишга уринаётганлиги исботлаб берилди СССР вакили Я. А. Малик ялпи мажлисда нутқ сўзлаб, ҳукм қилинган жосуслар теварагидаги шовқун-сурон Хитой Халқ Республикасига ва унинг улуғ халқига қарши туҳматдан иборат пропагандани, душманликни ва адоватни кучайтириш мақсадида қўтарилганлигини ва шу блан Узоқ Шарқда ҳамда бутун дун'ёда халқаро кескинликнинг янада юмшашига халақит бериш ниятида кўтарилганлигини уқтириб ўтди.

Ҳиндистон ва Сурия вакиллари Хитой Халқ Республикаси бўйнига Америка томонидан қўйилаётган айбларга қарши гапирдилар. Улар, Бош Ассамблея бирор давлатнинг ҳатти-ҳаракатини шу давлатнинг вакиллари ҳозир бўлмаган ҳолда муҳокама қилишга ҳақли эмас, деб уқтириб ўтдилар.

Бош Ассамблея АҚШ делегацияси томонидан таклиф этилган, я'ни Кореядаги қуролли интервенцияда қатнашган 16 мамлакат номидан таклиф этилган резолюцияни кўпчилик овоз блан қабул қилди. СССР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Польша ва Чехословакия делегациялари бу резолюцияга қарши овоз бердилар. Етти делегация (Афғонистон, Бирма, Ҳиндистон, Индонезия, Сурия, Яман ва Югославия) овоз беришда бетараф қолди.

Тошкентда



Партия ва ҳукуматимиз болалар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Уларнинг илмли ва соғлом бўлиб ўсишлари учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Мамлакатимизда мактаб, болалар боқчаси ва яслилар тобора кўпаймоқда. **Суратда:** Киров районида янги қурилган 105-нчи мактаб биноси.

В. Лейн ва **Б. Мазур** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Маданият уйларида

Шаҳар маданият бошқармаси 3 та район маданият уйи ва 27 кутубхонага эга. Кутубхоналарнинг китоб фонди 88 минг томга етди. Бу китоблардан 55 ярим минг киши унумли фойдаланмоқда. Китобхонларнинг 60 процентини ўзбек хотин-қизлари ташкил этади.

Бу йил барча кутубхоналарда турли темаларда 95 конференция, 82 темада бадиий кеча ўтказилиб, «Кишилар онгидаги капиталистик қолиқларни йўқотиш», «Коммунистик ахлоқ ҳақида», «Марксизм-ленинизм дин ҳақида», «Совет ҳокимияти хотин-қизларга нималар берди», «Ислом дини ва рўзанинг реакцион моҳияти» каби бирқанча темаларда 189 лекция ўқилди.

Шаҳарда 305 та бадиий ҳаваскорлар тўгараги бўлиб, бунга 7 ярим минг киши қатнашаётир. 5 минг ҳаваскор хотин-қизларнинг мингдан ортиғини ўзбек хотин-қизлари ташкил этади. Ташкилот ва муассасалар ҳузуридаги клубларда, маҳаллаларда ташкил этилган 140 та бичиш-тикиш ҳамда бошқа тўгаракларда икки ярим минг хотин-қиз ҳунар ўрганаётир. Тўгаракларга қатнашаётганларнинг кўпчилиги уй ишлари блан шуғулланучи аёллардир. Тўгаракда ҳунар ўрганиб чиққан мутахассисларга тўқимачилик корхоналари ва турли артельларда ишлаш ҳуқуқи берилади. Сталин район Маданият уйи ҳузуридаги бичиш-тикиш тўгарагини 76 хотин-қиз битириб чиқди. Уларнинг 25 таси ҳозир артель ва фабрикаларда самарали ишламоқдалар.

Ёш рассомлар асарларидан виставка

«Қизил тонг» фабрикасининг маданият саройи меҳнаткашларнинг маданий дам олиш жойига айланди. Кечқурунлари бу ер жуда гавжум бўлади. Меҳнаткашлар турли газета ва журналларнинг янги сонларини ўқийдилар, шахмат-шашка ўйнайдилар.

Яқинда бу ерда Ўзбекистон ёш рассомларининг ижодий асарлари виставкаси очилди. Шаҳар аҳолиси ва фабрика коллективи виставкани зўр қизиқиш блан тамоша қилмоқда. Виставкани 20 мингдан ортиқ киши келиб кўрди.

Капитал ремонтсиз 300 минг километр

Тошкент таксомотор паркининг шоферлари ўзлари бошқараётган машинани капитал ремонтсиз ишлатиш ва кўплаб ёнилғи тежаш учун мусобақалашмоқдалар. Бундан беш йил илгари Е. Е. Фартушенко ва Б. М. Кузнецовлар «Победа» маркали машинани бошқарабошлаган эдилар. Улар машинада капитал ремонтсиз 300 минг километр йўл босиш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар.

Яқинда Фартушенко ва Кузнецов ўртоқлар парк ма'муриятига ўз зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Улар ўзлари бошқараётган машинада 300 минг километрдан ҳам ортиқ йўл босдилар, бирқанча килограмм бензин тежадилар. Улар давлатнинг 20 минг 981 сўм маблағини жамғаришга ёрдам бердилар.

Кутубхона ташаббуси

Москва район маданият бўлимининг кутубхонасида «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» деган темада китоб виставкаси ташкил этилди. Виставкага Ўзбекистон санъати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятининг 30 йил ичида эришган ютуқларини акс эттиручи 100 дан ортиқ бадиий, илмий, сиёсий китоблар, брошюра ва журналлар қўйилган.

Бундан ташқари кутубхонада катта ҳажмда фотовиставка ҳам очилган. Фотовиставкада Москва районидаги «Шарқ гули» тикув артелининг Исломова, Аббосова ва Маҳмудова каби илғор ишчиларининг суратлари бор. Виставканинг «Ўзбек оиласи» бўлимидаги материаллар ўзбек оилаларининг партия ва Совет ҳукумати томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрлиги натижасида тўқ ҳамда маданий оилага айланганлигини акс эттиради.

Хотин-қизлар шахмат мусобақаси тамом бўлди

Тошкент хотин-қизлар шахмат мусобақасида пойтахтнинг энг кучли шахматчиларидан 15 киши қатнашди.

Молия-иқтисод институтининг студенти Лидия Козлович 14 имкониятдан 11,5 очкога эга бўлиб биринчиликни эгаллади ва Тошкент чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни Ўзбекистон ССРнинг энг кекса шахматчиларидан бири А. Грузинская олди. У 11 очкога эга бўлиб, биринчи разряд нормасини бажарди. 10,5 очкога эга бўлган биринчи разрядли шахматчи К. Сильвестр учинчи ўринни олди.

Мусобақа голиблари Л. Козлович, А. Грузинская, К. Сильвестрлар шаҳар физкультура ва спорт комитетининг дипломи ҳамда қимматбаҳо буюмлари блан мукофотландилар.

Юбилей шарафига шашка мусобақаси

Ўнеттинчи даврада ленинградли спорт мастери Е. Тюнев блан тошкентли Б. Канишчикер учрашди. Кучли олишувлар блан давом этган ўйин 20-нчи юришдан сўнг дуранг бўлди. Калининли мастер Н. Шутилкин И. Гавриленко устидан ғалаба қозонди.

Ўзбекистон ССР чемпиони Ш. Ёқубов ленинградли чемпион П. Святой блан учрашди. Лекин ўйин тамомланмай деярлик тенг ҳолда кечиктирилди.

Спорт мастерлари Л. Хейф блан С. Петров ўйнадилар. Кучли олишувлар блан давом этган ўйиннинг натижаси дуранг бўлди. Шундай қилиб, Хейф (10 очко), Шутилкин, Канишчикер (9,5 тадан очкога), Ёқубов ва Тюнев (9 тадан очкога ва биттадан кечиктирилган ўйинга эга)лар олдинда бормоқдалар.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳавода булутнинг кўпайиши ва ба'зи жойларда ёмғир ёғиши кутилади. Температура 3—6 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/XII да **Оғриқ тишлар**, 15/XII да **Қутлуғ қон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 15/XII да **қизиқчилар группаси гастрольларининг давоми.** Юмор, сатира, кулги. **Ван Зе-вей** раҳбарлигида **янги хитой аттракциони, эстон артистлари** ҳамда **ўзбек цирк коллективининг гастрольлари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»— янги кинокомедия **Запасдаги ўйинчи.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалиги бўлими—135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 07620. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1578.